

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ҳимояга

Кафедра мудири

« \_\_\_\_\_ »

\_\_\_\_\_ 2010 й.

**БАКАЛАВР БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Мавзу:

**Сиёсий партиянинг web-сайтини яратиш**

Битирувчи \_\_\_\_\_  
(имзо)

Аралов М.А.  
(ф.и.о)

Раҳбар: \_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(ф.и.о)

Такризчи \_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(ф.и.о)

ҲФХ бўйича  
маслаҳатчи \_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(ф.и.о)

ТОШКЕНТ – 2010

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: Ахборот технологиялари

Кафедра: Ахборот технологиялари

Йўналиш (мутахасислик): Информатика ва ахборот технологиялари

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Кафедра мудири \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2010 й.

Битирув малакавий ишига

**Т О П Ш И Р И Қ**

Аралов Мансур Абдурахмонович

(фамилияси, исми, отасининг исми)

1. Иш мавзуси: Сиёсий партиянинг web-сайтини яратиш
2. Университет қарори билан тасдиқланган «12» 01.10 № 26-07 \_\_\_\_\_
3. Ишни тўлиқ бажариш учун берилган вақт \_\_\_\_\_
4. Ишга оид дастлабки маълумотлар: Битирув олди амалиёти материаллари, талабанинг умумий маълумотномаси.
5. Ҳисоблаш – тушунтириш езувларининг мазмуни (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати:  
Кириш  
I-боб. Объект таҳлили  
II – боб. Инструментал воситалар  
III – боб. Лойиҳалаш қисми  
III - боб. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги  
Хулоса
6. График материаллар рўйхати: жадваллар, экран кўринишлари
7. Топшириқ берилган сана 20.02.10

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(имзо)

Топшириқ олдим \_\_\_\_\_  
(имзо)

8. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар

Қисм	Раҳбар Ф.И.О.	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
Асосий қисм ХФХ		20.02.10	

9. Ишни бажариш графиги

Т.Р	Иш қисмларининг номи	Бажариш муддати	Раҳбар (маслаҳатчи) белгиси
1	Кириш	20.02.10	
2	I-боб. Объект таҳлили	10.03.10	
3	II – боб. Инструментал воситалар,	20.03.10	
4	III – боб. Лойиҳалаш қисми,	05.04.10	
5	III - боб. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	20.04.10	
6	Хулоса	05.05.10	

Битирувчи \_\_\_\_\_ 200\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(имзо)

Раҳбар \_\_\_\_\_ 200\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(имзо)

## Мазмуннома

Ушбу битирув малакавий иши сиёсий партиянинг web-сайтини яратишга бағишланган бўлиб, лойиҳа Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мисолида ишлаб чиқилди. Web-сайт ёрдамида фойдаланувчи партиянинг низоми, дастури, тарихи, ёшлар ва аёллар қаноти, ҳудудий партия ташкилотлари ҳақида ва партия фаолиятида рўй бераётган жараёнлар, янгиликлар, олиб борилаётган ишлар ва ўтказилаётган тадбирлар ҳақида маълумот олиши мумкин.

Web-сайтини яратишда Joomla 1.5 дастурий воситасидан фойдаланилди. Малумотлар базаси сифатида эса MySQL 1.0 дан фойдаланилди.

## Аннотация

Данная выпускная квалификационная работа посвящена созданию web-сайта политических партий, проект разработан на примере демократической партии Узбекистана «Миллий тикланиш». Посредством web-сайта у пользователя есть возможность получить информации об Уставе, Программе, истории, молодёжном и женском крыльях, региональных организациях партии, о её жизни и деятельности, о проводимых партией работах и мероприятиях.

При создании программы была использована программное средство Joomla 1.5. А как базы данных была использована MySQL 1.0.

## Abstract

Given exhaust qualification is devoted to creation of a web-site of political parties, the project is developed on an example of a democratic party of Uzbekistan "Milliy tiklanish". By means of a web-site the user has opportunity to receive the information on the Charter, Program, history, youth and female wings, regional organizations of a party, about its life and activity, about jobs, spent by a party, and measures.

At creation of the program was used a software Joomla 1.5. And as databases was used MySQL 1.0.

## Мундарижа

<b>КИРИШ</b> .....	8
<b>I. ОБЪЕКТ ТАҲЛИЛИ</b>	
1.1. Ахборот технологиялари ва тизимлари .....	14
1.2. Сиёсий партия фаолиятида ахборот технологияларининг аҳамияти .....	16
1.3. Масаланинг қўйилиши, мақсад ва вазифалари .....	21
<b>II. ИНСТРУМЕНТАЛ ВОСИТАЛАР</b>	
2.1. WEB-технологиялар ва браузерлар .....	23
2.2. Дастурий воситалар ва аппарат таъминоти .....	33
2.3. Маълумотлар базаси, жадваллари ва структураси .....	35
<b>III. ЛОЙИҲАЛАШ ҚИСМИ</b>	
3.1. WEB-сайтнинг структураси .....	46
3.2. Дастур кўриниши .....	48
3.3. Администратор интерфейси .....	53
<b>IV. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ</b>	
4.1. Шахсий компьютер операторининг маҳаллий ёритилганлиги .....	58
4.2. Фавқулотда вазиятлар. Корхоналарни фавқулотда вазиятлардан ҳимоялаш ва уларни бартараф этиш .....	63
<b>ХУЛОСА</b> .....	69
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	71
<b>ИЛОВА</b> .....	72

## КИРИШ

2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига баҳо берар экан, кўпгина халқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирознинг сабаблари ва янада авж олиши билан боғлиқ прогнозларида жавоблардан кўра кўпроқ саволларга дуч келишмоқда.

Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларнинг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳар бир компаниянинг сақланиб қолиш кафолати – бу компания таклиф этаётган хизмат ёки маҳсулотга бўлган талабдир. Шунинг учун ҳар бир компанияда мижозларни жалб этиш эҳтиёжи туғилади. Савол оддий: “Қандай усуллар билан?” Эътиборингизни Ғарб компаниялари тажрибасига қаратамиз.

Дунёнинг 340 та маркетинг бўйича бошқарувчиларидан сўров олган *McKinsey&Co* нинг маълумотларига кўра уларнинг 91 фоизи интернет-рекламадан фойдаланади ва уларнинг ярмидан кўпи иқтисодий инқироз шароитида ундан фойдаланишнинг жорий ҳолатини сақлаб қолиш ёки оширишни режалаштирмоқдалар. 55 фоиз маркетингларнинг таъкидлашича, реклама учун сарфланаётган жорий харажатлар интернет-рекламани молиялаштириш ҳисобига ортиб бормоқда. Зеро, АҚШда интернет реклама ТВ ва матбуот рекламасидан кейинги 3-ўринни эгаллайди. Қиёслаш учун

Ўзбекистонда интернет-реклама ТВ ва матбуотдан ташқари, радио ва кўргазмали рекламалардан сўнг охириги ўринни эгаллаб турибди.

Нима учун ривожланган мамлакатларда интернетга бу даражада аҳамият берилмоқда? Чунки улар ҳам харажатларни камайтириб самарадорликни ошириш ниятидалар. Бу иқтисодий инқирозни енгиб ўтишда жуда ҳам муҳимдир.

Самарадорликнинг энг қисқа даврини қидирув тизимига асосланган интернет таъминлайди. Иқтисодий инқироз даврида ҳам бу қоида ўзгармайди. Ушбу ҳолатда сизнинг сайтингиз баннер ёки ролик кўринишида тақдим этилади. Реклама кампаниясининг мақсади сизнинг маҳсулотингизни сотиб олишга тайёр инсонларнинг сайтингизга киришларини таъминлашдан иборатдир. Бундай инсонлар умумий тарзда қидирув тизимлари орқали соҳангизга доир сўровлар орқали сизни қидиришади. Агар бу сўровлар билан қидирув сайтлари (Яndex, Google, Rambler, Mail)нинг биринчи саҳифасида сизнинг компаниянгизга доир ахборотни топишса, қизиқувчан харидорларнинг ташрифи, шунингдек буюртма ёки қўнғироқлари таъминланади. Шундай қилиб сотув бўйича менежерларингиз сизнинг маҳсулот, хизматингизга қизиқиш билдирган шахс билан муомала қилиш ҳисобига сотув даври қисқаришига эришади. Иқтисодий инқироз даврида инсонлар турли таклифлар билан чулғаб ташланган шароитда бу жуда аҳамиятлидир.

Харажатларнинг қисқаришига келинса, молиявий инқироз менежментни ҳар бир сарфланган сўмнинг ҳисобини олишга мажбур қилади. Бундай шароитда реклама турини танлашда нарх муҳим роль ўйнайди. Молиявий самарадорлилик жиҳатидан биринчи ўринда қидирув тизимлари туради. Самарадорлилик рекламага сарфланган пулларнинг жалб қилинган мижозларнинг миқдорига нисбати билан ўлчанади. Кейинги ўринларда контекст ва медиа интернет-реклама туради. Булардан бошқа рекламалар сарфланган маблағ ва олинган натижага кўра самарадорлиги камроқдир.

Айтиш лозимки, интернет-реклама кичик бюджетни талаб қилади. Бу эса иқтисодий ўсиш даврида ҳам, молиявий инқироз даврида ҳам мижозларни жалб этишда муҳим омил ҳисобланади.

Инқироз билан курашиш даврида нафақат рекламанинг, балки унинг самарадорлигига эришиш ҳам муҳимдир. Интернет-рекламанинг иқтисодий самараси ҳар куни виртуал ҳисоблагичлар ёрдамида кузатиб ҳисоблаб борилади. Сайтга, унинг бўлимларига ташриф буюриш ва давомийлигини статистик кузатиш натижасида мижозлар сизнинг хизматларингизга эътибори ёки қизиқишини аниқлаш мумкин. Натижада компания сиёсатига тезда ўзгартириш киритиш мумкин бўлади. Компания нафақат реклама қилинади, балки бозор билан қайта алоқа қилишга ҳам эришилади. Бу эса бозор беқарор бўлган иқтисодий инқироз даврида долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши ҳамда илмий-техника тараққиёти жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли жабҳаларига ахборот-коммуникацион технологиялари соҳасидаги барча ютуқларни тадбиқ қилиш даражасини тезлаштириб юборди. Мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тармоқларини ахборотлаштириш жамият ривожланишининг объектив жараёнидир ва зарур бўлган ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш ва тақдим этишнинг табиий давомидир.

Ахборот технологияларининг ҳаётимизнинг турли жабҳаларига кириб бориши ахборотлашган жамиятни шакллантиришга замин яратиб бермоқда. «Электрон таълим», «Электрон ҳукумат», «Электрон бошқарув», «Масофавий таълим», «Очиқ таълим», «Ахборотлашган иқтисод» каби тушунчалар ҳаётимизга кенг кириб келди.

Республикаимиз миллий иқтисодиёти тармоқларига ахборот-коммуникацион технологияларнинг жорий этиш борасида амалий ишлар Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни,

«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, **«Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чоратдбирлари тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари асосида олиб борилмоқда.

Республикамиз бўйича Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 2006 йилда 855 мингга бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб 2800 мингтани ташкил қилмоқда. Биргина Тошкент шаҳрида аҳолининг 55.09 фоизини интернетга улвнвнлвр ташкил қилмоқда. Энг кам Интернетга уланганлар сони Қорақалпоғистон Республикаси (20 минг) ва Жиззат вилоятида (21 минг) кузатилмоқда.

Кўриниб турибдики, ахборотлашган жамиятни босқичма-босқич шакллантириб бориш учун технологик замин яратилиб борилмоқда.

Ахборотлашган жамиятнинг шаклланиб боришида қуйидагиларга жиддий эътибор бериш керак бўлади:

1. Ушбу жамият авваломбор тараққиёт этган индустриал жамият негизида шаклланади. Жаҳонда ҳеч бир давлат ахборотлашган жамиятга ўтишда индустриални чеклаб ўтгани йўқ.

2. Миллий иқтисоднинг хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий жиҳатдан ўзгариши ўз ўрнида ахборот хизматлари соҳасига ҳам таъсир кўрсатади, яъни уларнинг ялпи ўсиб бориши кузатилмоқда.

3. Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан тавсифланиши натижасида иш кучидан оқилона фойдаланилмоқда. Бўшаган иш кучини бошқа соҳаларга жалб қилиниши мутахассиснинг малакавий жиҳатдан тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлмоқда.

4. Ишлаб чиқариш жараёнида интеллектуал капитал ва ахборотнинг аҳамияти юксалиб бормоқда. Янги асрнинг бошига келиб американинг

иктисодида ахборотлар ёрдамида саноатдаги қўшимча қийматнинг 3/4 қисми ишлаб чиқилган, яъни ахборотлашган жамиятнинг асосий хусусиятларидан бўлиб моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида билим асосидаги қийматларнинг улуши ортиб бормоқдадир.

5. Ишлаб чиқариш жараёнларида билим ва ахборотнинг ролини юксалиши таълим тизимини биринчилар қаторига олиб чиқмоқда. Ахборотлашган жамиятда ҳар бир ходим нафақат юқори малакали мутассис, балки у доимо таълим олишга қобилиятли ва қайта тайёрлашга тайёр бўлиши лозим. Замонавий ишлаб чиқариш ходимдан кенг дунёқарашга, юқори малакали ва чет тиллари ҳамда АКТни билишни тақозо этмоқда.

6. Жамият ишлаб чиқаришида фаннинг аҳамияти ортиб бориб, ишлаб чиқаришнинг асосий омилларига айланмоқда. Ахборотлашган жамиятда фаннинг ўзи қўшимча қийматни ишлаб чиқмоқда.

Битирув малакавий иши сиёсий партиянинг web-сайтини яратишга бағишланган, лойиха Ўзбекситон “Миллий тикланиш” демократик партияси мисолида ишлаб чиқилди.

Асосий мақсад замонавий ва бетакрор *шаблон* дизайни, интерфейси осон ва замонавий дизайнга эга бўлган *сайт менюси*, сиёсий партиянинг низоми, дастури ёшлар ва аёллар қаноти, ҳудудий партия ташкилотлари ҳақида маълумот берувчи *Партия* бўлими, сиёсий партия фаолиятида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлар, олиб борилаётган ишлар ва ўтказилаётган тадбирларни ёритиб борувчи матбуот хизмати, яъни, *Янгиликлар* бўлими, фойдаланувчига сиёсий соҳага тегишли ва партия билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган ташкилотларнинг web-сайтлари адресларига гипер-мурожаатни таъминловчи *Тавсия этиладиган сайтлар* бўлими, жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш ва фуқароларнинг сиёсий онгини ва фаоллигини ошириш мақсадида сўровномалар ўтказиш учун *Сўровнома* бўлими, фойдаланувчи томонидан изланаётган маълумотни излаб топишни тезлаштирувчи *Излаш* бўлими, фойдаланувчига сиёсий партиянинг

манзили, телефон ва факс рақамлари, электрон почта манзили ҳақида маълумот берувчи *Манзилимиз* бўлими каби бўлим ва функцияларни яратиш.

Битирув малакавий иши қуйидаги структурага эга:

- I. Объект таҳлили
- II. Инструментал воситалар
- III. Лойиҳалаш қисми
- IV. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

Хулоса қисмида эса битирув малакавий иши лойиҳасининг бугунги кунда муҳимлиги ва сиёсий партия фаолиятида қанчалик аҳамиятга эга эканлиги келтирилган. Бундан ташқари битирув малакавий иши амалга оширишда қўйилган мақсад ва вазифалар лойиҳада қанчалик ҳал этилганлиги ёритилган.

## I. ОБЪЕКТ ТАҲЛИЛИ

### 1.1. Ахборот тизими тушунчаси

Информацион жараёнлар (ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, ва узатиш) доимо илм – фан, техника жараёнларини, инсоният таррақиёти давомида автоматлаштиришга муттасил равишда интилиш кузатилади. Бинобарин бу жараёнларнинг асоси, ички тузилиши ўзгаришсиз қолган. Ахборотни йиғиш субъектнинг, уни қизиқтираётган объект ҳақида маълумот олиш учун олиб борадиган фаолиятidir. Ахборот алмашинуви – бу жараён давомида ахборот манбаи ахборотни узатади ва истемолчи қабул қилади. Агар маълумотлар узатишда хатолар аниқланса, у ҳолда ахборотни қайта узатиш ташкил этилади.

Ахборот манбаи ва истемолчи ўртасидаги ахборот алмашинуви натижасида ўзига хос «Ахборот баланси» юзага келади бунга кўра, идеал ҳолатда истемолчи ҳам манба каби худди ўша ахборотни тарқатади. Қабул қилинган ахборотдан истемолчи (кўп) бир неча бора фойдаланиши мумкин. Бу мақсадда у маълумотни ахборот ташувчи қурилмада (дисклар, магнитофон, фото, кино ва бошқалар) қайд қилиши керак. Бошланғич, системалаштирилмаган ахборот тўпламининг шаклланиши жараёнига ахборот йиғилиши дейилади. Ёзиб олинмаган сигналлар орасида қимматли ёки кўп фойдаланиладиган ахборотлар бўлиши мумкин. Ахборотнинг бир қисми айна вақтда алоҳида қийматга эга бўлмаслиги лекин кейинроқ унга эҳтиёж туғилиши мумкин. Якуний ахборотни сақлаш - бу бошланғич маълумотни фойдаланувчилар сўровига мувофиқ узатиш учун белгиланган муддатга қадар сақлаб туриш жараёни. Ахборотни қайта ишлаш – бу масала ечиш алгоритмига мувофиқ, ахборотни қайта шаклантиришнинг тартибланган жараёни. Ахборотни қайта ишлаш вазифаси бажарилганидан сўнг ахборот танлаб қилинган кўрнишда якуний фойдаланувчиларга етказиб берилиши лозим. Бу операция ахборотни узатиш вазифасини бажарилиши давомида амалга оширилади. Ахборот узатиш одатга ЭҲМ нинг ташқи

курулмалари ёрдамида матн жадвал кўринишида амалга оширилади. Ахборот технологияси – бу бир занжирга бирлашган, ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш ва акс этиш шу билан бирга ахборотнинг ишончилигини ва тезкорлигини ошириш жараёнлари, меҳнат унумдорлигини орттириш мақсадида информацион ресурсдан фойдаланишни таъминловчи услубларни ишлаб чиқиш жараёнлари ва дастурни техник воситаларининг йиғиндисидир. Жамиятни ахборотлаштириш жойларда инсоният фаолиятининг барча ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кўринишларида ишончли ахборот ва унумли маълумотлардан тўлиқ ва замонавий тарзда фойдаланилишга қаратилган чора – тадбирлар информацион давлатдаги барча фойдаланувчиларга инфраструктура тушунчаси остида ахборот ҳисоблаш ресурслари ва автоматлашган алоқа тизими кенг миқёсда қўлланиладиган базада янги АТдан фойдаланиш имкониятини берувчи ахборот таъминлов структураси тушунилади.

**Ахборот тизими тушунчаси.** Ахборот тизими – ҳар хил соҳа ишчиларини, бошқарув функцияларини амалга оширишлари учун объект ҳақидаги ахборотни узатиш, қайта ишлаш билан таъминловчи коммуникацион системани ифода этади. Информацион тизим конкрет объект учун яратилади. Эффе́ктив (самарали) ахборот тизими, бошқарув даражалари фаолият доираси ва ташқи шароитлар ўртасидаги фарқни эътиборга олади ва ҳар бир бошқарув даражасига кўра фақатгина унинг бошқарув функцияларини муваффақиятли ва фойдали амалга оширилиши учун зарур бўлган ахборотни беради. Ахборотни киритиш фирманинг ишлаб чиқариш – хўжалик фаолияти эффе́ктивлигини нафақат идора ишларини автоматлаштирувчи ахборотни қайта ишлаш ва сақлаш ҳисобига балки фирма мутахасисларининг қарор қабул қилишдаги (сунъий интеллект услублари эксперт системалари ва бошқалар) замонавий телекоммуникация воситаларидан фойдаланишдаги ( электрон почта, теле мулоқотлар) даги фаолиятларни моделлаштиришга асосланган янги принциплардир. Услублар

ҳисобига ошириш автоматлаштириш даражисига кўра ахборот тизимлари кўлда бажариладиган автоматлаштирилган ва автомат тизимларга бўлинади. Кўл АТ ҳам қайта ишлаш операциялаир инсон томонидан бажарилиши билан характерланади. Автоматлаштирилган АТ – маълумотларни бошқариш ёки қайта ишлаш функциясининг бир қисми автомат тарзда, иккинчи бир қисми инсон томонидан бажарилади. Автомат АТ – маълумотларни бошқариш ва қайта ишлашнинг барча функциялари инсон қатнашувисиз (масалан, технологик жараёнларни автомат равишда бошқариш) амалга оширилади. Қўлланиши

- Илмий изланишларда (тадқиқот )
- Автоматлаштирилган лойиҳалаштиришда
- Жамланган бошқарувда
- Технологик жараёнларни бошқаришда

## **1.2. Сиёсий партия фаолиятида ахборот технологияларининг аҳамияти**

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилишидаги роли, нуфузи ҳамда мавқеини ошириш мақсадида изчил, босқичма-босқич ўтказилаётган ислохотлар натижасида кўппартиявийлик тизими вужудга келди ва такомиллашмоқда.

Зеро, Конституциямизда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Натижада, 1994, 1999, 2004, 2009 йиллардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Кўппартиявийлик принципи Олий Мажлис ва халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига жорий этилди. Сиёсий партияларнинг парламент қўйи палатасидаги фракциялари орқали партиялар

қонунларни ишлаб чиқишга таъсир кўрсатиб, шу тариқа давлат бошқарувиға муносиб ҳисса қўшиши таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, амалга оширилган ислохотларнинг ҳуқуқий негизини ташкил қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида" (2002 йил), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" (2002 йил), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида" (2002 йил), "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида" (2007 йил) Конституциявий қонунлар, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиға сайлов тўғрисида" (янги таҳрири, 2003 йил), "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида" (2004 йил), "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида" (2007 йил), "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасиға, 93-моддасининг 15-бандиға, 102-моддасининг иккинчи қисмиға)" (2007 йил), "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги"ги (2008 йил) қонунлар қабул қилинди. Айниқса, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Зеро, мазкур қонунларнинг ижтимоий ҳаётға татбиқ этилиши, **биринчидан**, кенг кўламли ислохотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг мақсадли вазифаларини бажариш, ижро этувчи ҳокимият томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини

кучайтиришга олиб келади. **Иккинчидан**, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар, ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратади. **Учинчидан**, ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сиёсий партияларнинг мамлакат парламентидаги вакиллари, маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари олдида ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизм яратади. Тўртинчидан, парламент қуйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўртасида юзага келган ўзига хос конструктив рақобат муҳитини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам бугунги кунда сиёсий партияларнинг мамлакатни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилиш бўйича ислохотларни амалга оширишдаги ролини, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар вакиллигини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, сиёсий партияларнинг фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Албатта, ушбу қонунларда белгиланган қоида-талабларнинг амалга оширилиши ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг мантиқий давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич, тадрижий ривожлантиришнинг натижаси сифатида фуқаролик жамиятини шакллантиришда хал қилувчи аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида сиёсий партияларни шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, институтчионал тизими ташкил топди ва изчил ривожланмоқда. Мухтасар айтганда, мустақиллик йилларида қабул қилинган, халқаро андозаларга

жавоб берадиган ҳуқуқий асослар сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустахкам қонунчилик базасини яратди, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мавқеи, ваколатларини янада кенгайтириш ҳамда фаолияти самарасини ошириш борасида янги имкониятлар очиб берди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партия, шу жумладан, **Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси** ўзининг дастурий мақсад ва вазифалари, фаоллари ва тарафдорларига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз фракциясига эга. Партия мамлакатни модернизациялаш жараёнида сиёсий партиялар фаолиятини янада такомиллаштириш, улар фаолиятини тартибга солишга оид қонун ҳужжатларини тизимлаштириш борасида бир қатор салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Партиянинг Марказий Кенгаши, қолаверса, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари томонидан ташкиллаштирилаётган тадбирлар, давра суҳбатлари фуқароларимизнинг сиёсий онгини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Қайси жамият фуқароларининг сиёсий онги ривожланган ва ўз сиёсий ҳуқуқларидан бохабар бўлса, бу жамиятда демократик тизим ўз кучига эга деб айтиш мумкин. Бу йўналишда партия томонида олиб бориладиган ишлар, тадбирлар ва давра суҳбатлари оммавий ахборот воситалари, яъни, телевидение, радио, газета ва қолаверса интернетда мунтазам равишда ёритилиб борилиши, партия ҳаётидаги янгиликлар билан фуқароларни таништириб бориш фуқароларнинг сиёсий онгини ва сиёсий фаоллигини оширишдаги энг самарадор усул ҳисобланади. Тўғри бугунги кунда телевидение, радио ва газеталарнинг бу йўналишдаги самарадорлик кўрсаткичлари интернетга нисбатан юқоридир, лекин, масаланинг яна бир бошқа томонига аҳамият бериш лозим. Фақатгина маълум бир партия ҳақида маълумот олмоқчи бўлган фуқаро бу маълумотларни осон ва тез топишининг ягона ва ишончли йўли бу ўша партиянинг расмий web-сайтига ташриф буюришдир. Бу ерда фуқаро, яъни

фойдаланувчи нафақат партия фаолиятидаги энг сўнгги янгиликлар билан, балки, партия тўғрисидаги бошқа маълумотлар билан ҳам чуқурроқ танишиши мумкин. Бу эса албатта интернетнинг, web-сайтнинг, колаверса, замонавий ахборот технологияларининг сиёсий партия фаолиятида муҳим омил эканлигини белгилаб беради. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида фаолият олиб бораётган сиёсий партияларнинг тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш натижасида амалга оширилиши лозим бўлган бир қанча муҳим вазифалар улар ёрдамида осон эчимини топмоқда ва партиялар маблағларининг катта қисмини иқтисод қилиш имконини бермоқда. Масалан, биргина сайловлар даврини олайлик. Партия томонидан тарғибот-ташвоқот ишларини амалга оширишда ҳар хил плакатлар, китобчалар, сайловолди дастурларни тарқатишда кўнгилли фуқаролар ёрдамидан фойдаланилади. Бунда бу каби тарқатма материалларни тайёрлашга ва ишчи кучига тўланадиган ҳақ партиянинг ўз ҳисобидан амалга оширилади. Бугунги кунга келиб бу каби материалларни партияларнинг расмий web-сайтларига жойлаштирилмоқда. Бунда албатта аҳолининг қанча қисми интернет хизматидан фойдаланишига аҳамият қаратиш лозим. Бу муаммо ривожланган мамлакатларда деярли ўз эчимини топган.

Бир сўз билан шуни айтиш мумкинки, замонавий ахборот технологияларнинг, аниқроқ айтадиган бўлсак, web-технологияларнинг жадал суратлар билан ҳаётимизга кириб келиши бу каби масалаларни амалга оширилишида сиёсий партияларнинг кўплаб маблағларининг тежаб қилинишига сабаб бўлмоқда.

### 1.3. Масаланинг қўйилиши, мақсад ва вазифалари

Юқорида замонавий ахборот технологияларининг, айниқса, партия web-сайтнинг сиёсий партия фаолиятида нечоғлик аҳамиятга эга эканлиги ҳақида фикр юритган эдик. Ўз-ўзидан савол туғилади: - Сиёсий партиянинг web-сайти қандай бўлиши керак?

Аввало, сиёсий партиянинг web-сайти унинг жамиятдаги мавқеидан, характеридан, дастурий вазифаларидан, электоратидан ва йўналишидан келиб чиққан ҳолда яратилиши лозим. Сиёсий партиянинг web-сайти енгил-елпи, кўзни камаштирувчи дизайндан холи бўлиши талаб қилинади. Лекин, бу дегани сайт жада ҳам оддий кўринишда бўлиши керак дегани эмас. Унда албатта сиёсий партиянинг дастурий вазифалари ва характери акс этиши лозим.

Бундан ташқари сайтнинг фойдаланувчи интерфейси осон ва маълумотлар жойлашуви тартибли бўлиши керак.

Қуйида сиёсий партиянинг замонавий web-сайтида қандай бўлимлар ва кулайликларга эга бўлиши кераклигини келтириб ўтамыз:

- Замонавий ва бетакрор *шаблон* дизайни
- Сайтда партия *логотипи* акс этиши лозим
- Интерфейси осон ва замонавий дизайнга эга бўлган *сайт менюси*
- Сиёсий партиянинг низоми, дастури ёшлар ва аёллар қаноти, ҳудудий партия ташкилотлари ҳақида маълумот берувчи *Партия* бўлими
- Сиёсий партия фаолиятида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлар, олиб борилаётган ишлар ва ўтказилаётган тадбирларни ёритиб борувчи матбуот хизмати, яъни, *Янгиликлар* бўлими
- Фойдаланувчига сиёсий соҳага тегишли ва партия билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган ташкилотларнинг web-сайтлари адресларига гипер-муружаатни таъминловчи *Тавсия этиладиган сайтлар* бўлими

- Жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш ва фуқароларнинг сиёсий онгини ва фаоллигини ошириш мақсадида сўровномалар ўтказиш учун **Сўровнома** бўлими
- Фойдаланувчи томонидан изланаётган маълумотни излаб топишни тезлаштирувчи **Излаш** бўлими
- Фойдаланувчига сиёсий партиянинг манзили, телефон ва факс рақамлари, электрон почта манзили ҳақида маълумот берувчи **Манзилимиз** бўлими

Сиёсий партиянинг web-сайти камида юқоридаги талабларга жавоб бериши лозим.

Ушбу битирув малакавий ишини лойиҳаси Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мисолида тайёрланди. Демак, бу сайт дизайни аввало сиёсий характердан чиқмаган ҳолда миллийлик, замонавийлик ва батакрор ечимга эга бўлиши лозим. Лойиҳани амалга оширишда юқорида санаб ўтилган устувор масалалар ва вазифалар кўзда тутилади.

Ушбу бобда ахборот тизими бўлимида информацион жараёнлар, ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, ва узатиш каби маълумотлар таништириб ўтилди.

Бобда бундан ташқари сиёсий партиянинг фаолиятида ахборот технологияларининг ўрни мавзусида ҳам қисқача тўхталиб ўтилди ва сиёсий партиянинг web-сайтини қайси жиҳатларга эътибор қаратиш керак, партия web-сайти аслида қандай бўлиши кераклиги масаланинг қўйилиши, мақсад ва вазифалари бўлимида ўрганиб чиқилди.

## **II. ИНСТРУМЕНТАЛ ВОСИТАЛАР**

### **2.1. WEB-технологиялар ва браузерлар**

#### **Компьютер тармоқлари тарихи**

Дунёда кўплаб компьютер тармоқлари (КТ) ишлаб турибди. Булардан баъзилари билан танишамиз. 1957 йил **ARPA** (Advanced Research Projects Agency) ташкилоти тузилди. 1960 - йиллар охирида **DARPA** (Defense Advanced Research Projects Agency), 1969 йилда (АҚШнинг Мудофаа министрлиги томонидан ташкил қилинган энг эски КТлари ҳисобланади) **ARPANet** (Advanced Research Projects Agency Network) тажриба тармоғини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Илк бор тармоқ 1972 йилда намоён этилди. У 40 та компьютердан иборат бўлиб, асосий тузилиш принципи тармоқдаги барча компьютерларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши эди. 1975 йил **ARPANet** тажриба тармоғи мақомини ҳаракатдаги (амалий) тармоқ мақомига ўзгартирди (1989 йил – **ARPANet** мустақил ТАРМОҚ сифатида тугатилди). Унинг афзаллиги – таркибида турли турдаги компьютерлар бор ТАРМОҚ билан ишлаш қобилиятига эгаллигидир. У кейинчалик бошқа КТлари билан бирлаштирилиб, **Интернет**нинг қисми сифатида ишлатила бошланди. Ҳозирда у **MILNET** – Military NET (ҳарбий ТАРМОҚ), **CSNET** – (Computer Science NETWORK) (компьютер илми тармоғи), **NSFNET** – (National Science Fondation NETWORK) (миллий фан фонди тармоғи) тармоқлар сифатида **Интернет**да ишлатилади.

#### **Интернет – глобал компьютер тармоғи**

1983 йилда - Интернет ташкил этилди. Интернет-ахборотлар билан мустақил алмашиш имконини яратди. Интернет (International Network – халқаро компьютер ТАРМОҚ) бутун дунёни қамраб олган глобал компьютер тармоғидир. 1990 йиллар ўрталарида Интернет бизнес-ишловлар билан ишлаш учун кўлланила бошлади. Бироқ, бу борада турли муаммолар мавжуд эди.

Интернетнинг статистик маълумотлари қуйидагича:

- 1981 й.- Интернет га 213 та компьютер уланган;
- 1983 й.- Интернет га 562 та компьютер уланган;
- 1986 й.- 5089 та компьютер уланган;
- 1992 й.- 727000 та компьютер уланган;
- 1995 й.- 20-40 миллион компьютер бирлашди.

Ҳозирги кунда Интернет дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатларида 100 миллионлаб абонентларга эга. Ҳар ойда тармоқ миқдори 7-10%га ортиб бормоқда. Интернет дунёдаги турли хил маълумотларга оид ахборот тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқани амалга оширувчи ядрони ташкил қилади.

Биринчи бўлиб 1965 йилда Нельсон гиперматн сўзини қўллади. Ван Дам ва бошқалар 1967 йилда гиперматн таҳрирловчисини тузиб чиқди. Нельсон 1987 йил маълумотларнинг гиперматн таҳрирловчисини тузиб чиқди. Женева ЦЕРН (CERN) да ишловчи физик Тим Бернес Ли 1990 йил гиперматнли лойиҳани таклиф этди. Бу лойиҳа физик олимларга Интернет орқали тадқиқот натижаларини ўзаро алмашиш имконини берар эди. Шундай қилиб халқаро ахборот тармоғи – World Wide Web (WWW)га пойдевор қўйилди. 1993 йил Марк Андерсон раҳбарлигида биринчи гиперматнли Mosaic график браузерни ишлаб чиқилди ва у Netscape корпорациясига ўтиб Netscape браузерини ишлаб чиқди.

### **Интернетнинг асосий тушунчалари:**

- 1. Router** (Йўналтирувчи) – интернетда маълумотлар оқимини қулай ва яқин йўл билан манзилга етказишни режалаштирувчи ва амалга оширувчи дастурлар мажмуидир. Одатда йўналтирувчи сифатида махсус компьютердан фойдаланиш яхши натижа беради.
- 2. Gateway** (Шлюз) – маълумотларни узатишнинг турли қайднома (протокол)ларини интернет фойдаланадиган электрон почтанинг оддий қайдномаси **SMTP** га (Simple Mail Transfer Protocol – электрон почта

узатишнинг оддий қайдномаси) айлантирадиган компьютер. Аслида шлюз – бу дастурлар мажмуидир. Бунда шлюз мақсадида фойдаланадиган компьютерга катта талаблар қўйилмайди. Бунинг учун унда шлюз вазифасини ўтайдиган дастурлар билан ишлаш имкони бўлса бас.

**3. Трафик** – Интернет алоқа каналлари орқали узатилган маълумотлар оқими ҳажми.

**4. DNS сервер.** DNS (Domin Name Service – домен номлар хизмати) – IP манзиллар ва компьютерлар домен номларини аниқловчи сервер.

**5. Proxy.** Интернет да баъзи бир маълумотларга кўпчилик мурожаат қилгани учун бу маълумотларга оид серверга уланиш (навбат катта бўлгани учун) секин бўлиши мумкин. Шунинг учун кўпчилик мурожаат қиладиган серверлар нусхалари бошқа серверларда ҳам сақланади. Бундай серверлар Proxy серверлар дейилади.

**6. Протокол** – бу космкомпьютерлар орасидаги алоқа ўрнатилишида, маълумотларни қабул қилиш ва узатишда фойдаланиладиган сигналлар стандартидир. Протокол тўғри бўлсагина компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатилади.

**7. Сервер** – бу бошқа компьютер ёки дастурларга хизмат кўрсатадиган компьютер ёки дастурдир. Битта компьютерда бир нечта сервер ишлаши мумкин. Масалан, ftp, WWW, электрон почта серверлари.

**8. Мижоз** – сервер ресурсларидан ва хизматидан фойдаланувчи компьютер ёки дастурдир. Масалан, компьютер файл-сервернинг мижози бўлиши мумкин (серверда жойлашган файллардан фойдаланиши), шу билан бир вақтда электрон почта дастурсида ишлаши мумкин.

**9. URL** – (Uniform Resoure Locator) Интернет га мурожаат қилишнинг энг оддий ва қулай усули бўлиб, у манзилни ифодалайди. Яъни бу манзилдаги маълумотлардан барча фойдаланувчилар бир пайтнинг ўзида фойдаланиши мумкин.

**10. Интернет хизмати турлари** – электрон саҳифа, электрон почта,

телеконференция, файлларни узатиш, домен номлари, Telnet, IRC, ёки Chat конференция, маълумотларни излаш хизматлари тавсифлари келтирилади.

**11.Интранет** – бу интернет технологияси, дастур таъминоти ва протоколлари асосида ташкил этилган, ҳамда маълумотлар базаси ва электрон ҳужжатлар билан коллектив равишда ишлаш имконини берувчи корхона ёки концерн миқёсидаги ягона информацион муҳитни ташкил этувчи компьютер тармоғи.

**12.IP манзил** – Интернет да компьютер тармоқлари Интернет манзили ёки IP манзилини белгилаш билан аниқланади. IP манзили 32 бит узунликда ва ҳар бир бири 8 битдан иборат тўрт қисмдан ташкил топган ва ҳар бир қисми 0 дан 255 гача бўлган қийматларни қабул қилади. Қисмлар бир-биридан нуқта билан ажратилади.

### **Web браузерлар**

HTML да ёзилган Web саҳифа одатда браузер деб номланувчи махсус дастур ёрдамида курилади. Бу сўзнинг ўзбекчага тўғридан – тўғри таржимаси «шархловчи дастур» маъносини беради. Браузернинг асосий вазифаси фойдаланувчи талабига мувофиқ манзилни интернетдан топиш ва қийинчиликсиз уни тасвирлашдир. Олдинига браузер HTML тилида ёзилган «инструкцияни» таҳлил қилади ва бу инструкция ёрдамида Web саҳифада мавжуд бўлган ахборотни тасвирлайди.

Ҳозирги кунда энг кўп ишлатиладиган 2 та Web браузер мавжуд бўлиб Web саҳифа таёрловчилар бу браузерларнинг хусусиятларини эътиборга олишлари керак. Булар “*Netscape Navigator*” ва “*Microsoft Internet Explorer*” (*IE*) браузерларидир. Аслида браузерлар жуда кўп, лекин улар дунёда ишлатилаётган браузерларнинг бор - йўғи 1% ни ташкил қилади. Қолган 75% ни *IE*, 24% ни эса “*Netscape Navigator*” эгаллайди. Демак шундай экан кўпчилик ҳолларда шу 2 та браузер ҳақида сўз юритилади.

Келинг энди браузерлар тарихига назар ташлайлик. 1989-йилда Швейцарияда CERN (The European Laboratory for Particle physics) олимлари

томонидан WWW тизимига асос солингандан кейин унинг ахборот манбаларини очиб кўриш муаммоси пайдо бўлди.

Бу муаммони ҳал қилувчи дастлабки дастурлардан бири бу *Lynx* типигаги сатрли браузердир. Шундай қилиб дастлабки сатрли браузерлар пайдо бўлди. Вақт ўтиши билан браузерлардан фақат матнларни эмас, балки овоз, графика ва тасвирларни тасвирлаш ҳам талаб қилинди. График маълумотларни матнли маълумотлар каби кўриш масаласи биринчи бўлиб *Mosaic* браузери томонидан амалга оширилган .

*Mosaic* браузери *UNIX*, *PC* ва *Macintosh* платформаларида ишлашга мўлжалланган бўлиб бепул браузердир. Кейинчалик *Mosaic* ва *Silicon Graphics* асосчилари бирлашиб ҳозирги кунда етакчи браузерлардан бўлган *Netscape* браузерига асос солдилар .

### **Internet Explorer**

*Netscape* нинг жиддий рақобатчиси Microsoft фирмасининг *Internet Explorer* браузери ҳисобланади. Бу браузер *Netscape*нинг янги имкониятларини ўзида мужассам қилган ва ўзининг илғор технологиясига эга бўлган браузердир. *Internet Explorer* HTML тилининг ҳамма версияларини тушинади. *Internet Explorer*да ишлаш Microsoft нинг бошқа маҳсулотлари билан таниш бўлган фойдаланувчи учун жуда қулайдир. Унинг ишлаш тартиби деярли *Netscape*ники кабидир. Бу иккала браузерларнинг ҳар бири ўзининг махсус имкониятларига эга. Шу сабабли бу иккала браузернинг фақат биттаси яхши десак биз хато қиламиз. Шунинг учун ҳам ҳозирда иккала браузер ҳам жуда кенг миқёсда ишлатилиб келинмоқда.

### **HTML дастурлаш тили**

Интернет - сайёрамиз миқёсидаги компьютер тармоқларининг бирлашмасидир. Агар космик станция аъзоларининг E-mail дан фойдаланишини инобатга олсак интернетнинг сайёрамиз сарҳадларидан чиққанини ҳам кўришимиз мумкин.

Бутун дунё ўргимчак тўри WWW (World Wide Web) - бу кўп сонли ўзаро бир-бирига боғланган хужжатлардир. Web саҳифада бошқа Web саҳифалар билан боғловчи чекли гипермуружаат бўлади. Гипермуружаат механизмини бир неча сўз билан изоҳлаш қийин, лекин камида бир марта Web саҳифага кириб ишлаган одам буни дарҳол тушунади.

Гипермуружаат бутунжаҳон ўргимчак тўридан хужжатнинг URL деб номланувчи манзилини қидиришда ишлатилади. Биз биламизки Web саҳифанинг асосий моҳияти ахборотни тасвирлаш ва уни ҳар бир фойдаланувчи учун очиб беришдир. Бунда бир қанча функционал чекланишлар мавжуд, яъни биз олдиндан Web саҳифани кўрувчининг компьютери қандай, мониторинг имконияти қандай ва кўриш ойнасининг қандай ўлчамда ўрнатилганлигини билмаймиз. Биз хаттоки фойдаланувчининг қандай операцион муҳитда ишлаётганини ҳам билмаймиз. Web саҳифа эса INTEL машинада ҳам Макентошда ҳам бир хил кўринишда бўлиши керак. Фойдаланувчи ўз операцион муҳитида қандай ёзув шрифтлар ўрнатганлиги ёки унинг видеокартаси қанча рангни кўтара олиши ҳам маълум эмас. Юқоридаги маълумотларнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги умумахборот алмашиш тилининг пайдо бўлишига тўсиқ бўлиши керак эди, лекин бундай бўлмади.

Гап шундаки 1986 йили ҳалқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан қоғоздаги хужжатни экранда тасвирлаш имконини берувчи ҳамма вариантларни эътиборга олган SGML (Standart Generalired Markup Language) тили яратилди. Ҳамма имкониятларни эътиборга олган кучли система ишлаб чиқилди.

Web саҳифа учун бу яхши йўл деб ҳисобланган эди. Лекин бу тил қонун қоидалари изоҳи юзлаб саҳифаларни эгаллади. Бундай тил асосида яратилган саҳифани тасвирловчи дастурни ишлаб чиқиш учун жуда кўп вақт кетган бўларди, шунинг учун Интернет эҳтиёжи учун SGML тилининг маълум бир қисми танлаб олинди ва HTML (Hyper Text Markup Language) деб

номланди. HTML тилида ёзилган Web саҳифа файлида ахборотнинг қандай тасвирланиши ҳақидаги йўл йўриқлар кетма – кет жойлашган бўлади. Бу файл оддий матнли файл бўлиб уни махсус браузер датстурларсиз ўқиш кийин. График расмларни эса умумман кўриб бўлмайди чунки унинг ўрнида браузер дастурга бирор расм кераклигини кўрсатувчи ТЭГ туради. Агар биз ўз Web саҳифамизни яратмоқчи бўлсак, албатта HTML тилини яхши билишимиз керак бўлади.

### **Javascript** дастурлаш тили

**JavaScript** га кириш. **Java Script** бу Web-саҳифаларни янада интерактив ва функционал қилиш имконини берувчи сценарийлар тайёрловчи тилдир. Web-саҳифаларни кузатган бўлсангиз хар бир саҳифада бирор матн, бир нечта расмлар, вақтни кўрсатиб турувчи соат ёки браузернинг ҳолатлар сатрида югурувчи матнни кўришингиз мумкин. Ёки бирор бир тўлдирилиши керак бўлган форма бўлиши мумкин. Аган анкетанинг бирор бир қисмини тўлдиришни унутиб қолдирсангиз хатолик ҳақида хабар пайдо бўлади. Айрим бир саҳифаларда экран бўйлаб ҳаракат қилувчи расм ёки мантнни учратишингиз мумкин.

Шу каби ҳаракатларни **Java Script** да кузатишингиз мумкин, шунга ўхшаш эффектларни эса ушбу тилни билувчи ихтиёрий киши яратиши мумкин.

**Java Script** ни ҳозирги кунда барча браузерлар қўллаб-қувватлайди

**Java Script** Web-саҳифангизнинг кўриниши ва унинг функциясини бошқариш имконини берувчи сценарийлар ёзиш тилларидир. Java Script ни ҳужжатнинг объектли модели (Document Object Model- DOM) ва стилларнинг каскадли жадвали (Cascading Style Sheets -CSS) каби янги технологиялар билан биргаликда қўллаш билан web-саҳифаларингиздаги барча ҳодисаларни назорат қилишингиз мумкин. Java Script ва объектли моделдан фойдаланиб, сичқончанинг босилиши ва клавиатурадан маълумотнинг киритилишига таъсир қилувчи саҳифалар яратиш мумкин. Каскадли стиллар жадвали

ёрдамида саҳифадаги матнларни кўрсатиш ва беркитиш, браузер ойнаси ўлчамларини бошқариш ва шу кабиларни бажариш мумкин.

Ушбу технологияларни қўллаш билан сиз нафақат Web-саҳифа яратасиз, балки, бошқа компьютер дастурлари каби ҳаракат қилувчи фойдаланувчи учун муҳит яратасиз.

Бирок, сценарий бажарилиши учун компиляция қилинган дастурнинг бажарилишидан кўра кўп вақт талаб қилинади. Чунки сценарийнинг ҳар бир буйруғи процессор остида эмас, балки бошқа дастур ёрдамида қайта ишланади. Ушбу камчилик сценарийни яратиш учун бупул матн редакторининг етарлилиги ва айти пайтда C++ тили учун компиляторнинг бир неча юз доллар туриши билан изоҳланади.

### **PHP дастурлаш тили**

1994 йили PHP тилининг яратувчиси Rasmus Lerdorf ўзининг сайтига меҳмонлар киришини ҳисоблаш учун Перл дастурлаш тилида махсус қобик ёзиб амалда қўллаган. Кўп ўтмай қобикни ишлаш унумдорлиги жуда паст ва секинлиги аниқланганидан сўнг, дастурларни янгидан "C" тилида ёзиб чиқишга тўғри келади. Кейин, дастлабки дастур кодлари муаллиф тарафидан барчага кўриш учун серверда нашр қилинган. Сервер фойдаланувчилари кодлар билан қизиқиб, уни ишлатиш муҳлислари ҳам пайдо бўлган. Кўп ўтмай, бу дастурлар алоҳида лойиҳага айланиб, 1995 йилнинг июл ойида дастурий маҳсулот PHP (Personal Home Page) номи билан биринчи наشري чиқарилди. Имкониятлари оддий ва содда бўлиб: бир неча буйруқларни тушунадиган код анализатори(текширувчиси), меҳмонлар ҳисоблагичини, китобини, чатини яратиш учун фойдали дастурлар тўпламидан иборат бўлган.

1996 йил апрел ойида дастурлар жиддий қайта ишланганидан сўнг, PHP/FI (Personal Home Page / Forms Interpreter) номи билан маҳсулотнинг иккинчи наشري пайдо бўлди. Бу маҳсулот HTML-код ичига ёзилиб, HTML - формаларни қайта ишлаб, ҳозирги PHP дастурлаш тилининг таянч

имкониятларини ичига олган. PHP/FI код ёзилиши Перл тилига жуда ўхшаган, лекин соддароқ бўлган.

1997 йили PHP/FI 2.0 наشري чиқди. Ўша пайтда бу маҳсулотдан дунё бўйича бир неча минг одам фойдаланиб, тахминан 50 минг домен бўлиб, Интернетнинг 1% ини ташкил қилди.

1997 йилда Endi Gutmans ва Ziv Suraski PHP/FI кодини бошқатдан ёзиб чиқишди, чунки эски код улар ишлатаётган электрон тижорат тизимлари учун яроқсиз эди. Эски коднинг муаллифларидан ёрдам олиш учун улар бирлашишни таклиф этиб, PHP3 номли лойиҳани PHP/FI -ни расмий вориси деб эълон қилишди. Янги лойиҳа уюшгандан кейин PHP/FI лойиҳаси ишлаб чиқарилиши тўхтатилган.

PHP 3.0 нинг энг кучли тарафларидан бири унинг кенгайтирала олинадиган ядроси(тизимнинг бошқарув қисми) бўлиб, бундан ташқари, маълумот жамғармалар билан, турли протоколлар ва интерфейслар билан биргаликда ишлаш кенг имкониятлари яратилди. Муваффақиятга эришишга анча ахамиятли факт бу янги тилни бойлиги ва объектларга мўлжалланган дастурлашни қўллай олиши. Янги лойиҳа билан бирга нафақат тилни ташқи, ички тузулиши ўзгарди, балки ўзини номи хам. Энди PHP қисқартмаси "PHP: Hypertext Preprocessor " маъносини англантиши билдирилди.

1998 йилнинг охирида PHP фойдаланувчиларнинг сони ўн минглардан ошди. Юз мингдан ошиқ веб-сайтлар бу тилни қўллашини эълон қилишди. Тахминан Интернетнинг 10% серверларида PHP 3.0 ўрнатилган эди.

1998 йилнинг июн ойда PHP 3.0 тўққиз ой оммавий текширувидан кейин расман эълон қилинди. Шу йилнинг қишида Endi Gutmans ва Ziv Suraski PHP ядросини қайтадан ишлаб чиқаришни бошлашган. Уларнинг асосий вазифаси PHP тизимини унумдорлигини кўтариш ва коднинг модулларини яхшилаш эди.

1999 йилнинг ўрталарида биринчи марта тақдим қилинган янги ядро "Zend Engine" деб номланган ("Zend": муаллифлар "Zeev" ва "Andi"

исмлардан ташкил топган). Уни асосида тузилган янги тил PHP 4.0 2000 йилнинг май ойида расман чиқарилган. Унумдорлик яхшилангандан ташқари, PHP 4.0 муҳим янгиликларга эга бўлиб, сессияларни қўллаш, буферли чиқариш, киритилган маълумотларни хавфсиз қайта ишлаш ва яна бир неча янги тил тузувчиларини пайдо бўлишидан иборат.

Ҳозирги кунларда "Zend Engine" қайта яхшиланиб PHP нинг янги версиялари ишлаб чиқарилмоқда. Асосий ўзгаришлар объектларга мўлжалланган дастурлаш моделида бўлиб, тилнинг имкониятлари янада кенгайтирди.

Ҳозирда PHP тилини юз минглаб дастурчилар ишлатиб, бир неча миллион сайтлар яратилиб, Интернетнинг 20% доменларини ташкил этмоқда. PHPнинг вазифаси серверни маълумотлар омбори билан боғлаш (Apache+PHP+MySQL). PHPни ўрганишдан аввал HTMLни билишингиз керак. PHP ишлаши учун биринчи навбатда сервер дастури ўрнатилган бўлиши керак. Усиз PHP оператсияларини бажариб бўлмайди. Улар Apache, Denver. Apache ни ўз компютерингизга ўрнатасиз.

PHP оператсиялари сизга кўринмайди. Сиз фақат унинг натижасини HTML-код кўринишида оласиз. Дастурда хатолик юз берадиган бўлса, қайси қатордагилигини ҳам сервер кўрсатади. PHP-кодларини оддий блокнотга ҳам ёзса бўлади. Аммо PHP-тахрирловчиларини ишлатган маъқулроқ. Масалан, мен Zend дастури. У PHP-коддаги хатоликларни кўрсатиб туради.

## 2.2. Дастурий воситалар ва аппарат таъминоти

Ушбу битирув малакавий иши лойихасини тайёрлашда қуйидаги дастурий воситалардан фойдаланилди:

- **Windows XP SP2 Home Edition** – Ҳозирда кенг тарқалган бу операцион тизимни мамлакатимизнинг барча корхона, ташкилотларида ва фуқароларнинг шахсий компьютерларида учратиш мумкин. Бу операцион тизим мамлакатимизда кенг тарқалган Pentium IV компьютерларига мос келади ва ишлаш учун қулай.
- **Windows Notepad** – HTML, Java Script ва PHP нинг кодлари устида ишлаш учун энг содда ва сотиб олиш талаб қилинмайдиган дастурий восита. Бунда фақат фойдаланувчи HTML, Java Script ва PHP ларни мукамал билиши талаб қилинади.
- **NetFramework 3.0** – Microsoft нинг компоненталар кутубхонаси.
- **Microsoft Office Word** – сайтга киритиладиган материаллар билан ишлаш учун.
- **Internet Explorer** – сайт устида ишлашда браузер сифатида фойдаланиш учун. Бу дастурий восита Windows XP SP2 Home Edition нинг таркибий қисми сифатида компьютерга ўрнатилади.
- **Opera 9.0** – устида ишлашда браузер сифатида фойдаланиш ва web-сайтдаги хатоликларни аниқлаш учун энг қулай ва ишончли дастурий восита.
- **XAMPP 1.7.0** – сервер сифатида фойдаланиш ва маълумотлар базасини ташкил қилиш учун қулай дастурий восита. Унинг таркибида Apache server ва MySQL автоматик равишда компьютерга ўрнатилади.
- **Joomla 1.5.8 Russian** – сайтни яратишда компоненталар билан ишлаш ва сайтни бошқариш учун оммабоп дастурий восита. Бу дастурий восита таркибидан веб-сайт яратиш учун тайёр шаблонлар, сайтни маълумотлар базаси билан боғловчи интерфейс ва албатта веб-сайтнинг бошқарув панели жой олган.

- *Adobe Dreamweaver CS3* – шаблонлар, сценариялар билан ишлаш учун қулай дастурий восита бўлиб, фойдаланувчига кодлар ва дизайн устида бир вақтнинг ўзида ишлаш имкониятини беради.
- *Adobe Photoshop CS3* – сайтнинг график дизайни устида ишлаш учун қулай дастурий восита.
- *CorelDRAW X3* – бу дастурий восита ҳам сайтнинг график дизайни устида ишлаш учун қулай бўлиб, асосан нозик график ёндошувда ишлатилади.

Ушбу битирув малакавий иши лойиҳасини тайёрлашда фойдаланувчи компьютерига қуйидаги аппарат таъминоти қўйилади:

№	Қурилмалар	Қурилмага минимал талаблар
1	<i>Монитор</i>	17 дюймли 1024x768 ўлчамдаги
2	<i>Система платаси (MB)</i>	Intel Intel Pentium IV 2.0 GHz процессорини қўллаб-қувватловчи система платаси. Масалан: EliteGroup 945 PL-A
3	<i>Процессор(CPU)</i>	Intel Pentium IV 2.0 GHz
4	<i>Оператив хотира(RAM)</i>	DDR II 256 Mbayt FSB 400 MHz
5	<i>Қаттиқ диск(HDD)</i>	40 Gbayt
6	<i>Видео карта(VGA)</i>	шарт эмас
7	<i>Оптик диск ўқувчи қурилма (CD, DVD)</i>	DVD-ROM
8	<i>Клавиатура</i>	Microsoft Keyboard типдаги PS/2 разёмли
9	<i>Сичқонча</i>	Microsoft Mouse типдаги PS/2 разёмли
10	<i>Тармоқ картаси</i>	Шарт эмас
11	<i>Доимий энергия манбаи</i>	220 вольт кучланишли, 250 Ватт қувватли

### 2.3. Маълумотлар базаси, жадваллари ва структураси


Кенг маънода **Маълумотлар базаси (МБ)** деганда реал дунёнинг конкрет объектлари ҳақидаги маълумотлар тўпламини тушиниш мумкин. Лекин маълумотлар ҳажми ошиб бориши билан бу масалаларни ҳал этиш мураккаблашади. Юзага келган муаммо объект ва маълумотларни структуралаш, яъни тизимга солиш йўли билан ҳал қилинади. Объект – бу мавжуд ва фарқланиши мумкин бўлган нарсадир. Объектларга тегишли бир қатор маълумотлар борки, уларнинг тўплами МБ бўлади. Масалан, ҳар бир академик-лицей ёки касб-ҳунар коллежи – бу объектлар бўлса, улардаги ўқувчилар ҳақидаги маълумотлар тўплами МБ га мисол бўлади.

Ҳар қандай жиддий МБ нинг яратилиши унинг лойиҳасини тузишдан бошланади. МБ лойиҳаловчисининг асосий вазифаси объектлар ва уларни тавсифловчи параметрларни танлаш, маълумотлар орасидаги маълумотларни ўрнатишдан иборат.


МБ ни яратиш жараёнида, фойдаланувчи маълумотларни турли белгилар бўйича тартиблашга ва белгиларнинг турли бирикмалари бўйича зарур маълумотларни (танланмани) тез топиш учун имкониятлар яратилишига ҳаракат қилади. Бу ишларни маълумотлар структураланган (тузилмаланган) бўлгандагина бажариш мумкин.

Структуралаш – бу объектлар ва маълумотларнинг ўзаро боғланиши тасвирлаш усуллари ҳақидаги келишувни киритишдир.

Маълумотлар базаси локал ва масофавий бўлиши мумкин.




Локал маълумотлар базаси ундан фойдаланаётган дастур билан битта компьютерда жойлашган бўлади. Бундай ҳолларда ахборот тизимлари локал ахборот тизимларида қурилган деб ҳисобланади . Маълумотлар базаси билан ишлаш бир фойдаланувчи режимида амалга оширилади.



Иккита бир-бирини тушунмайдиган одамларни бир-бирини тушуниш учун ўртасига таржимон керак бўлади. Дастур ва маълумотлар базасини ҳам бир-бирига боғлаш учун BDE дан фойдаланамиз.

Бунда дастур қуйидагича ишлайди:



Файл сервер архитектураси кўпинча фойдаланувчилари кам бўлган тармоқларда фойдаланилади. Кўпинча бундай тизимлар Paradox ёки Dbase базалари асосида қурилади. Файл сервер архитектураси қуйидаги камчиликларга эга:

Фойдаланувчи доимо локал кўчириш билан ишлайди. Агар жадвалларда ўзгариш бўлса, локал нусхани маълумотлар базасини узатади ва қайта қабул қилади. Бунинг ҳисобига тармоқда айланма маълумотлар ошиб кетади ва юкланиш юзага келиб қолади.

Иккинчи камчилиги шундаки ҳар бир компьютерда ўзини Маълумотлар базасини локал нусхаси бўлгани учун унда амалга оширилаётган ўзгаришлар қолган фойдаланувчиларга бир ўз вақт номаълум бўлиб туради.

### **Маълумотлар базасидаги маълумотларни қайта ишлаш операциялари**

Маълумотлар базаси маълумотларини қайта ишлашга қуйидаги операциялар киради:

- Маълумотлар базасини яратиш
- Маълумотлар базасини ўзгартириш
- Маълумотлар базасини янгилаш
- Маълумотлар базасини тартиблаш
- Маълумотлар базасидан маълумотларни қидириш
- Маълумотлар базасини файл кўринишида қайта ишлаш
- Маълумотлар базасини дискдан юклаш

### **Маълумотлар базасидан фойдаланиб ҳисоботлар яратиш ва босмага чиқариш. MySQL маълумотлар базаси**

**MySQL** (оқилиши "May es ky el"). Релятзионал маълумотлар базасини бошқариш системаси. Турли операцион системаларда қўлланишга мослаштирилган Open-Source-маҳсулот бўлиб, кўпчилик динамик web-саҳифалар учун асос ҳисобланади. MySQL Шветсиядаги MySQL AB

фирмаси томонида яратилган бўлиб, 2008 йилнинг февралида Sun Microsystems томонида сотиб олинган. Эндиликда дастур кодини яратишда ушбу фирма жавобгар. MySQL Server очик, яъни текин дастурий таъминот бўлиб, General Public License химоясидадир. MySQL AB /Sun фирмаси дастур кодига муаллифлик ҳуқуқига эгаллиги сабабли, ушбу дастурий таъминотнинг коммерциал тури ҳам бор. MySQL номининг келиб чиқиши аниқ эмас. 1996 йилдан бери кўплаб библиотека ва tool (восита)лар номи олдида Му префикси қўйила бошланган. Баъзи маълумотларга кўра эса фирмани ташкил қилганлардан бири ҳисобланувчи Monty Widenius нинг қизи исмидан ва SQL, яъни Structured Query Language (Структуравий сўровлар тили) бирикмасидан ташкил топган. Unix, MacOS X ва Linux дан ташқари, MySQL Windows, OS/2 ва i5/OS (аввалги OS/400) учун ҳам мослаштирилган. Windows учун эса баъзида айрим чекланишлар учрайди. MySQL кўпинча web-сервис учун маълумотларни сақлашда қўлланилади, web-сервер Apache ва PHP билан биргаликда ишлатилади. MySQL ҳозирда 6.000.000 дан ортиқ фойдаланувчилар ва кунига 35.000 дан ортиқ юкланадиган дунёниг энг машҳур маълумотларни бошқариш системасидир.

MySQL нинг асосий функциялари қуйидагилар:

### **mysql\_connect()**

Функция MySQL серверига боғланиш учун ишлатилади. Улангандан кейин эса керакли базани танлашингиз мумкин.

```
Int mysql_connect (string host [:port] [, string login] [, string passowrd])
```

misol:

```
@mysql_connect("localhost", "user", "user") or die ("Could not connect to MySQL server!");
```

```
<?
```

```
$link=@mysql_connect("localhost", "user", "user") or die ("Could not connect to server!");
```

```
?>
```

### **mysql\_select\_db()**

MySQL базасини танлаш учун ишлатилади.

```
Int mysql_select_db(string bazani_nomi [, int ulanish_korsatgichi])
```

```
misol;
```

```
<?
```

```
@mysql_connect("localhost", "user", "user") or die ("Could not connect to MySQL server!");
```

```
@mysql_select_db("guestbook");
```

```
?>
```

### **mysql\_close()**

Бу олдиндан очган уланишни ёпиш учундир.

```
Int mysql_close([int ulanish_korsatgichi])
```

```
<?
```

```
@mysql_connect ("localhost", "user", "user") or die ("Could not connect to MySQL server!");
```

```
@mysql_select_db("guestbook");
```

```
print "Ulandik";
```

```
@mysql_close();
```

```
print "Uzildik";
```

```
?>
```

Бу ерда биз аввал уландик кейин эса боғланишни уздик. Бу ерда биз уланиш кўрсатгичини кўрсатмадик сабаби бизда фақатгина битта уланиш бор.

### **mysql\_query()**

Бу функциямиз базадан ўқиш ёки базага ёзиш ишлари учун, яъни **query** учун ишлатилади.

```
Int mysql_query(string query [, int ulanish_korsatgichi])
```

query SQL тилидаги команда ёки командалар тўплами бўлади.

Мисолни кейинги функцияда кўриб чиқамиз.

## **mysql\_affected\_rows()**

Агарда биз базага ёзсак `mysql_query()` билан ва биз қанча қаторларни ўзгарганини билмоқчи бўлсак унда шу функция бизга ёрдам беради.

```
Int mysql_affected_rows([, int ulanish_korsatgichi])
```

МИСОЛ:

```
<?
```

```
@mysql_connect ("localhost", "user", "user") or die("Could not connect to Server!");
```

```
@mysql_select_db("uzinfo") or die("Could not connect to Database!");
```

```
$query="update guestbook set name='test' where email='sinch@uz';"
```

```
$result=mysql_query($query);
```

```
print "Ozgarigan qatorlar soni:", mysql_affected_rows();
```

```
mysql_close();
```

```
?>
```

Шунда ойнангизга битта ўзгарган яъни "Озгарган қаторлар сони: 1" деб чиқади.

## **mysql\_num\_rows()**

Функциямиз **select** командасидан қайтган қаторлар сонини беради.

```
Int mysql_num_rows(int qaytish_raqami)
```

Қайтиш рақами олдиндан ишлатилган **query** нинг рақамидир. Мисол:

```
<?
```

```
@mysql_connect ("localhost", "user", "user") or die("Could not connect to Server!");
```

```
@mysql_select_db("uzinfo") or die("Could not connect to Database!");
```

```
$query="select name from guestbook";
```

```
$result=mysql_query($query);
```

```
print "Tanlangan qatorlar soni:", mysql_num_rows($result);
```

```
mysql_close();
```

```
?>
```

Шунда ойнамизга канча каторлар танланган бўлса шуларни сонини кайтаради.

### **mysql\_result()**

Бу функция `mysql_query()` билан биргаликда ишлатилади ва **select** командаси учундир. **Select** дан кайтган маълумотни яъни сўровни натижасини кайтаради.

```
Int mysql_result(int qaytish_raqami, int yozuv [, mixed joy])
```

МИСОЛ:

```
<?
```

```
@mysql_connect ("localhost", "user", "user") or die("Could not connect to Server!");
```

```
@mysql_select_db("uzinfo") or die("Could not connect to Database!");
```

```
$query="select * from guestbook";
```

```
$result=mysql_query($query);
```

```
$x=0;
```

```
while($x<mysql_num_rows($result)):
```

```
$name=mysql_result($result, $x, "name");
```

```
$email=mysql_result($result, $x, "email");
```

```
$comments=mysql_result($result, $x, "comments");
```

```
print "$name $email $comments";
```

```
print "<br>";
```

```
$x++;
```

```
endwhile;
```

```
mysql_close();
```

```
?>
```

### **mysql\_fetch\_row()**

mysql\_result() кабидир фақат фарқи шундаки бирданига битта қаторни хаммасини ўзгармасга ёзади.

Array mysql\_fetch\_row(int qaytish\_raqami)

Келинг мисолда кўрайлик:

```
<?
@mysql_connect ("localhost", "user", "user") or die("Could not connect to
Server!");
@mysql_select_db("uzinfo") or die("Could not connect to Database!");
$query="select * from guestbook";
$result=mysql_query($query);
while($row=mysql_fetch_row($result)):
print "$row[name] $row[email] $row[comments]";
print "<br>";
endwhile;
mysql_close();
?>
```

### **mysql\_fetch\_array()**

Айнан mysql\_fetch\_row() кабидир, аммо фарқи шундаки бу функцияда сиз ўзгармасларга қандай ёзишни белгилайсиз, яъни исми билан, ёки рақамли ёки ҳам рақам ҳам исми билан ёзиши мумкин.

Array mysql\_fetch\_array(int qaytish\_raqami [, int index\_turi])

index\_turi: MYSQL\_ASSOC – ismi kabi yozish (\$row["name"])

MYSQL\_NUM - рақамли (\$row[1])

MYSQL\_BOTH - иккаласи

агарда ҳеч қайсисини кўрсатмасангиз унда MYSQL\_ASSOC ни ишлатади.

Мисол:

<?

```
@mysql_connect ("localhost", "user", "user") or die("Could not connect to Server!");
```

```
@mysql_select_db("uzinfo") or die("Could not connect to Database!");
```

```
$query="select * from guestbook";
```

```
$result=mysql_query($query);
```

```
while($row=mysql_fetch_array($result)):
```

```
print "$row[name] $row[email] $row[comments]";
```

```
print "<br>";
```

```
endwhile;
```

```
mysql_close();
```

?>

### **Маълумотлар базасини лойиҳалаш**

Ушбу битирув малакавий иши лойиҳасини тайёрлашда Joomla администратор бошқарув панели дастурий воситасининг MySQL маълумотлар базасига автоматик боғланиш функциясидан фойдаланилди. Яъни, Joomla менюларни, баннерларни, бўлимлар ва тоифаларни, материалларни MySQL таркибида ташкил қилинган базага автоматик равишда ёзади. Администратор томонидан сайтга жойлаштириладиган маълумотлар қуйидагича бўлимларга ва шу бўлимлар ичида жойлашадиган тоифаларга ажратиб олинди:

<b>№</b>	<b>Бўлим номи</b>	<b>Тоифалар</b>
<b>1.</b>	Янгиликлар	Сўнгги янгиликлар
		Қисқа янгиликлар
<b>2.</b>	Саҳифалар	Маълумотлар

phpMyAdmin

Сервер: localhost | База данных: uzmtdp | Таблица: jos\_sections "Yangiliklar"

Обзор | Структура | SQL | Поиск | Вставить | Экспорт | Импорт | Операции | Очистить | Удалить

Отображает строки 0 - 2 (3 всего, запрос занял 0.0003 сек.)

```
SELECT *
FROM `jos_sections`
LIMIT 0 , 30
```

Показать : 30 строк начиная с 0

в горизонтальном режиме, заголовки после каждых 100 ячеек

Сортировать по индексу: Нет

+ Параметры

	id	title	name	alias	image	scope	image_position	description	published	checked_out
<input type="checkbox"/>	1	Yangiliklar		news	articles.jpg	content	right	<h1><font color="#3366ff">Bu bo'limda partiya hayo...	1	62
<input type="checkbox"/>	3	Sahifalar		sahifalar	key.jpg	content	left	<r>Выберите из списка категорий раздела нужную тем...	1	62
<input type="checkbox"/>	4	Информация о Joomla!		about-joomla		content	left		0	0

← Отметить все / Снять выделение С отмеченными:

Показать : 30 строк начиная с 0

в горизонтальном режиме, заголовки после каждых 100 ячеек

Использование результатов запроса

Версия для печати | Версия для печати (полностью) | Экспорт | CREATE VIEW

Создание закладки

Метка:   Доступна для всех пользователей

1-расм. Маълумотлар базасида бўлимларнинг жойлашиши

phpMyAdmin

Сервер: localhost | База данных: uzmtdp | Таблица: jos\_categories

Обзор | Структура | SQL | Поиск | Вставить | Экспорт | Импорт | Операции | Очистить | Удалить

Отображает строки 0 - 20 (21 всего, запрос занял 0.0004 сек.)

```
SELECT *
FROM `jos_categories`
LIMIT 0 , 30
```

Показать : 30 строк начиная с 0

в горизонтальном режиме, заголовки после каждых 100 ячеек

Сортировать по индексу: Нет

+ Параметры

	id	parent_id	title	name	alias	image	section	image_position
<input type="checkbox"/>	1	0	So'nggi yangiliklar		latest-news	taking_notes.jpg	1	left
<input type="checkbox"/>	2	0	Официальные сайты по Joomla!		joomla-specific-links	clock.jpg	com_weblinks	left
<input type="checkbox"/>	3	0	Qisqa yangiliklar		newsflash		1	left
<input type="checkbox"/>	4	0	Joomla!		joomla		com_newsfeeds	left
<input type="checkbox"/>	5	0	Бесплатное и открытое ПО		free-and-open-source-software		com_newsfeeds	left
<input type="checkbox"/>	6	0	Связанные проекты		related-projects		com_newsfeeds	left
<input type="checkbox"/>	12	0	Контакты		contacts		com_contact_details	left
<input type="checkbox"/>	13	0	Joomla		joomla		com_banner	left

2-расм. Маълумотлар базасида тоифаларнинг жойлашиши

ID	Actions	Title	Alias	Content	Hits
46	[edit] [delete]	Partiya rahbari	partiya-rahbari	<p><font color="#3366ff">O'zMTDP Markaziy Kengash...	1
20	[edit] [delete]	Muallif	muallif	<hr /><h1 align="center"><font color="#3366ff">Man...	1
21	[edit] [delete]	Факты о Joomla!	joomla-facts	<p>Несколько интересных фактов из истории Joomla!...	-2
22	[edit] [delete]	Manzilimiz	manzilimiz	<h1><font color="#3366ff">Manzil: 100000, Toshkent ...	1
23	[edit] [delete]	Платформы и Открытые Стандарты	platforms-and-open-standards	<p class="MsoNormal">Joomla! может работать на люб...	-2
24	[edit] [delete]	Partiya fraksiyasi	partiya-fraksiyasi	<p> </p><div style="text-align:center"><div><h1 align="center">Partiya hayotidan...	1
25	[edit] [delete]	Каковы системные	what-are-the-requirements-	<p>Joomla! написана на языке PHP, платмн для ей п	-2

3-расм. Маълумотлар базасида материалларнинг жойлашиши

Бундан ташқари маълумотлар базасида менюлар ва меню типлари, баннерлар ва баннерлар типлари, улар ичидаги маълумотлар, сайт фойдаланилган модулларнинг ишчи параметрлари ва бошқалар жойлашган. Сайт бошқарувчиси(администратор) бу маълумотларни, модулларни, бўлимларни, тоифаларни ва менюларни тўғридан-тўғри МБ да ўзгартириш, қайта ишлаши, нусхалаши, параметрларини созлаши, тозалаши ва ўчириши ёки шу вазифаларни сайтнинг бошқарув панелидан амалга ошириши мумкин.

Ушбу бобда компьютер тармоқлари тарихи, интернет – глобал компьютер тармоғи, интернетнинг асосий тушунчалари, web-браузерлар, HTML, Javascript ва PHP дастурлаш тиллари билан танишиб чиқлди ва лойиҳани амалга оширишда уларнинг вазифаси, ўрни, қулайликлари ва камчиликлари билан танишиб чиқилди.

Бобда бундай ташқари лойиҳани амалга оширишда ишлатиладиган дастурий воситалар ва талаб қилинадиган минимал аппарат таъминоти ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилди. Боб сўнгида маълумотлар базаси, сайтнинг маълумотлар базасини лойиҳалаш ва лойиҳанинг маълумотлар базаси жадваллари ва структураси ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

### III. ЛОЙИҲАЛАШ ҚИСМИ

#### 3.1. WEB-сайт структураси

Ушбу битирув малакавий иши лойиҳасининг таркибий қисмига web-сайтнинг саҳифалари ҳам киради. Шу сабабли сайт саҳифалари структурасини белгилаб олиш талаб этилади. Саҳифаларни икки турга ажратамиз:


- асосий саҳифалар;
  - ички саҳифалар;

Саҳифалар турларга ажратилгандан сўнг сайтга жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар асосида саҳифалар яратилади.

Web-сайтнинг саҳифалари қуйидагилардак иборат:

- **Bosh sahifa**
- **Partiya**
  - Partiya ustavi
  - Partiya Dasturi
  - Partiya tarixi
  - Hududiy tashkilotlar
  - Ayollar qanoti
  - Yoshlar qanoti
- **Partiyaga a'zo bo'lish**
- **Partiyaning rahbar organlari**
  - Partiya rahbari
  - Markaziy Kengash
  - Markaziy Kengash Ijroiya qo'mitasi
  - Ijroiya Qo'mitasi devoni
  - Markaziy nazorat-taftish komissiyasi
  - Senat a'zolari
- **Partiya fraksiyasi**
  - Partiya fraksiyasi haqida ma'lumot


- Fraksiyadagi deputatlar
- Partiya fraksiyasining tashabbuslari
- **Matbuot xizmati**
  - Partiya nashri
  - Yangiliklar
  - Deputat minbari
  - Fotogalereya
  - Manzilimiz



4-расм. WEB-сайт структурасининг администратор бошқарув панелидаги кўриниши

## 3.2. Дастур кўриниши


Ушбу битирув малакавий иши лойихалашда web-сайт интерфейси фойдаланувчи учун осон, замонавий ва бетакрор дизайнда бўлиши асосий мақсад қилиб олинган эди. Қуйида дастур интерфейсидан лавҳалар намоиш этилади.



5-расм. Бош саҳифа кўриниши

Бу саҳифа сайт юкланганда юкланадиган дастлабки саҳифа бўлиб, унда сайт бўлимларининг барчаси ўтиш мумкин. Яна бу саҳифада сайт менюси, тавсия этиладиган сайтлар ва сўровнома бўлимлари жой олган(5-расм).

Сайтнинг асосий бўлимларидан бири бу *Партия* бўлиmidир. Бу бўлимда партия дастури, низоми, тарихи, ҳудудий ташкилотлар, аёллар ва ёшлар қанотлари ҳақида маълумотлар олиш мумкин(6-расм).




6-расм. Партия бўлими кўриниши

Сайтдаги яна бир асосий бўлимлардан бири бу *Янгиликлар* бўлиmidир. Сиёсий партия фаолиятида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлар, олиб борилаётган ишлар ва ўтказилаётган тадбирларни ёритиб борувчи матбуот хизмати бўлими таркибига кирувчи бўлиmidир(7-расм).



### 7-расм. Янгиликлар бўлими кўриниши



### 8-расм. Сўровнома бўлими кўриниши

**Сўровнома** бўлимида Партиянинг Марказий Кенгаши томонидан эълон қилинадиган сўровнома саволлари бериб борилади. Фойдаланувчи бу сўровномадаги бирон бир саволда фақат бир марта иштирок этиши мумкин. Бу сўровноманинг одилона ўтказилишини таъминлайди. Сўровномадан кўзланган мақсад Партиянинг Марказий Кенгаши фуқаролар фикри, хоши-истаги билан мунтазам танишиб бориши мумкин(8-расм).



9-расм. Фотогалерея бўлими кўриниши

**Фотогалерея** бўлимида фойдаланувчи партия ҳаётида юз берган воқеа-ҳодисалар, тадбирлардан лавҳалар намойиш этиб борилади(9-расм).


Фойдаланувчи томонидан изланаётган маълумотни топишни тезлаштириш имконини **Излаш** бўлими таъминлайди(10-расм).

Партия манзили, телефон рақамлари ва электрон почта манзиллари ҳақидаги маълумотлар билан фойдаланувчини **Манзилимиз** бўлими таништиради(11-расм).




### 3.3. Администратор интерфейси

Ушбу битирув малакавий иши лойихалашда web-сайтнинг администратор интерфейси администратор учун қулай, замонавий ишончли бўлиши керак. Бу сайтни лойихалашда юқоридаги талабларга тўла жавоб берадиган Joomla 1.5 администратор бошқарув панели дастурий воситасидан фойдаланилди. Қуйида *Администратор бошқарув панели* интерфейсидан лавҳалар намоиш этилади(12-расм).




12-расм. Администратор бошқарув панелига кириш

*Сайт менюсини бошқариш* бўлимида администратор менюга янги бўлим қўшиши, бирор бўлимни ўчириши, уни кўринишни ёпиб қўйиши, қайта ишлаши, ички бўлимлари устида бошва амаллар бажариши мумкин (13-расм).




13-расм. Сайт менюсини бошқариш бўлими кўриниши




14-расм. Сайт бўлимларини бошқариш бўлими кўриниши

Сайтнинг саҳифаларини тоифаларига кўра бўлимларга жойлаштириш *сайт бўлимларини бошқариш* бўлимида амалга оширилади(14-расм).



15-расм. Сайт тоифаларини бошқариш бўлими кўриниши


Сайт саҳифалари тоифалари устида амалга ошириладиган амаллар *тоифалар бошқаруви бўлими* орқали амалга оширилади(15-расм).



16-расм. Шаблонлар бўлими кўриниши

*Шаблонлар бошқаруви бўлимида* администратор сайт шаблонини захирадаги шаблонлар билан алмаштириши, уларни ўчириши, қайта ишлаши мумкин(16-расм).

*Маълумотлар бошқаруви бўлимида* администратор томонидан киритилган маълумотлар саҳифаларга тоифалари бўйича жойлаштирилади. Бу бўлимда администратор маълумотларни қайта ишлаши, янгилashi, тоифалари, бўлимларини саҳифаларини ўзгартириши, ўчириши ёки кўринишни ёпиб қўйиши мумкин(17-расм).



17-расм. Маълумотлар бошқаруви бўлими кўриниши

Ушбу бобда web-сайт структураси, яъни саҳифалар жойлашиши, фойдаланувчи учун web-сайт интерфейси, администратор бошқарув панели интерфейси кўринишлари ва вазифалари билан таништириб ўтилди.

## IV. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

### 4.1. Шахсий компьютер операторининг маҳаллий ёритилганлиги

Иш жойларининг ёритилганлиги, меҳнат гигиенасининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг ва ишлаб чиқариш маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ёритилганлик инсоннинг ташқи муҳит билан боғланишини аниқловчи ва инсон миясига келувчи ташқи дунё тўғрисидаги маълумотларнинг сифатини ифодаловчи асосий кўрсаткичларидан биридир. Тўғри ва нормал миқдордаги ёритилганлик иш қуроллари ва жиҳозларнинг рангини, ўлчамларини тезда аниқлашга имкон беради ва ишчининг меҳнат қобилиятини узоқ муддатгача сақланиб қолишига, меҳнат унумдорлигини ошишига, ишлаб чиқилган маҳсулотнинг сифатли бўлишига шароит яратиб, меҳнат хавфсизлигини оширади.

#### Табиий ёритиш

Табиий ёритиш ёруғлик ўтказиш йўлларига боғлиқ ҳолда ён томонлама, юқори томонлама ва комбинациялашган, яъни ҳам ён, ҳам юқори томонлама бўлиши мумкин. Табиий ёритиш даражаси куннинг вақтига ва иқлимий шароитларга боғлиқ ҳолда иш вақти давомида ўзгариши ҳисобли, иш жойининг ёритилганлик билан эмас, балки табиий ёритилганлик коэффициенти орқали меъёрлаштирилади. Табиий ёритилганлик коэффициенти деб хона ичидаги бирор нуқтанинг ёритилганлигини шу вақтда ташқи муҳит ёритилганлигига нисбатининг фоиздаги ифодасига айтилади:

$$e = \frac{E_u}{E_m} * 100$$

бу ерда  $E_u$  – хона ичининг бирор нуқтасидаги ёритилганлик,  $L_k$ ;

$E_t$  – ташқи муҳитдаги очиқ майдондаги ёритилганлик,  $L_k$ .

Табиий ёритилганлик коэффициенти ( $e$ ) ён томонлама ёритилганликда  $e_{yp} \geq 80\% e_n$ ; юқори томонлама ва комбинациялашган ёритилганликда  $e_{yp} \geq 60\% e_n$  бўлса яхши ҳисобланади. Табиий ёритилганлик коэффициенти ёруғликнинг иқлимий коэффициентига боғлиқ бўлиб, унинг миқдори ишнинг

кўриш бўйича разрядига, фарқлаш объектининг энг кичик ўлчамига ҳамда иқлимнинг ёруғлик поясига боғлиқ ҳолда махсус жадваллардан танлаб олинади ва шу асосида биноларга ўрнатилиши лозим бўлган деразалар ҳамда фонарлар (юқори томонлама ёритилганликда) сони аниқланади.

### **Сунъий ёритиш**

Сунъий ёритиш умумий ёки комбинациялаш бўлиши мумкин. Комбинациялашган ёритишда умумий ва *маҳаллий ёритиш* биргаликда қўлланилади. Умумий ёритишда хона ичи умумий чироқлар ёрдамида ёритилса, маҳаллий ёритишда эса чироқлар бевосита иш жойига ёки иш жихози олдига ўрнатилади, масалан, иш столи устида ўрнатилган кўчма чироқлар, станоклар ёки бошқа иш қурилмаларида ўрнатилган чироқлар ва бошқалар. Умумий ёритиш ва иш жихози ва иш жойининг жойлашишига боғлиқ ҳолда текис ёки локал кўринишда бўлади.

Бундан ташқари, сунъий ёритиш ишчи ёки аварияга оид бўлиши мумкин. Ишчи ёритишдан нормал иш режимини таъминлаш мақсадида табиий ёритиш бўлмаган ёки етарли даражада эмас жойларда фойдаланилади. Аварияга оид ёритишдан асосий ёритиш ўчиб қолган вақтларда ёнғин, портлаш, ишчиларни заҳарланиши, жароҳатланиш хавфи, технологик жараёни узок тўхтаб қолиши ёки бузилиши, алоқани узилиши, сув, газ таъминоти тўхтаб қолиш эҳтимоли бор бўлган жойларда ҳамда намгарчилик постларида, турли хил системаларнинг пунктларида фойдаланилади.

Ёритилганликни меъёрлашни енгиллатиш мақсадида барча ишлар аниқлик даражасига кўра 6 разрядга бўлинган: ўта юқори аниқликдаги ишлар- I-разряд; жуда юқори аниқликдаги ишлар- II-разряд; юқори аниқликдаги ишлар-III-разряд; ўта аниқликдаги ишлар- IV-разряд; кам аниқликдаги ишлар- V-разряд; дағал ишлар-VI-разряд.

Энг юқори ёритилганлик 1 разряддаги ишлар учун белгиланган бўлиб 5000 Лк.ни ташкил этади, кичик ёритилганлик эса V-разряддаги ишлар учун-

75 Лк. қилиб белгиланган. Ташқи муҳитда бажариладиган ишларда иш разрядига боғлиқ ҳолда ёритилганлик 2 дан 50 Лк.гача бўлади. Масалан, МТА ларида машиналарнинг олд қисмидаги ёритилганлик 5 Лк, ишчи аъзолардаги ёритилганлик 10 Лк бўлиши мумкин.

### **Ёруғлик манбалари ва ёритиш ускуналари**

Сунъий ёритиш манбалари газоразрядли ва қизариш лампочкалари 127 ва 220 вольт кучланишга мўлжалланган бўлиб, қуввати 15 дан 1500 Вт гача бўлади. Қанчалик қуввати катта бўлса, шунчалик ёритиш юқори бўлади.

**Маҳаллий ёритишлар** учун кучланиши 12 дан 36 вольт қуввати 50 Вт га тенг лампочкалардан фойдаланилади. Бу каби лампочкаларнинг ишлаш муддати 1000 соатгача бўлади.

Газоразрядли лампанинг ўзига хос ёритиш тавсифи бўлиб, барча гигиеник талабларга жавоб беради. Бу каби лампочкаларнинг ишлаш муддати 14000 соатгача бўлади. Энг кўп тарқалган газоразрядли чироқлар бўлиб, ҳар хил русумда ишлаб чиқарилади. Буларга мисол қилиб ЛД (лампа дневного света), ЛХБ (холодно-белого света), ЛБ (белого света) ларни олиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида чорва молларини ва ўсимликларни ультрабинафша нурлар билан ишлов берилади ва унга махсус лампалардан фойдаланилади. Инсонга бу нур таъсири терининг қизариши билан характерланади ва бу нурланиш  $30 \text{ мэр.с.м}^{-2}$  дан ошмаслиги керак. Ёритилганлик люксометр, эритем нурланиш – уфиметр билан ўлчанади.

Ёритгичлар асосан чироқ ва корпуслардан иборат бўлиб, тўғрига, ёнтомонга, қайтарувчиларга бўлинади.

Саноат ҳар хил турдаги ёритгичларни ишлаб чиқади ва  $60 \div 1000$  Вт гача бўлади. Моменесцентли лампалар қуввати 40, 80 Вт га тенг бўлади.

Портловчи ва ёнғинга хавфли жойларда махсус РСП русумли лампалар тавсия қилинади.

## Ультрабинафша ва инфрақизилнурлар, электромагнит майдон ва уларнинг инсон организмига салбий таъсири

Ишлаб чиқаришда қуйидаги нурланиш турлари мавжуд: инфрақизил, ультрабинафша, электромагнит ва радиоактив. Инфрақизил нурланиш – иссиқ цехда, ультрабинафша нур – қуёш нури, симоб-кварц лампа нур ва электрпайвандлаш нурлари киради, электромагнит нурлари – радио тўлкини, электр узатувчи провадалар ва ҳар хил юқори частотали генераторлар киради.

Инфрақизил нурлар инсон организмини қиздиради, ультрабинафша нурлар эса тери ости хўжайраларининг биологик ривожланишини таъминлайди.

Энг хавфли электромагнит нурланишлар ультра частотали (УВЧ) ва ўта юқори частотали (СВЧ) генераторлардир. Улар ядрофизикада, телевиденияда, тиббиётда ва металлларга иссиқ ишлов беришда ишлатилади.

Электромагнит майдони юқори ва ультра юқори частотали бўлса, одамнинг марказий нерв системаси фаолияти бузилади, тез чарчайди, бош оғрийди, пульс масаяди ва қон босими камаяди.

Электромагнит тебраниш таъсирини камайтириш мақсадида санитария қоидалари чегарасида ручсат этилган нурланиш миқдори белгиланган. Электромагнит интенсивлиги В/м (вольт/метр) да, магнит майдони кучланиши ампер/м да, энергия оқими зичлиги микроватт/см<sup>2</sup> да ўлчанади.

Электромагнит тебраниш ва меҳнат қилиш режими қуйидагича ўрнатилган.

Электро майдони кучланиш	Бир суткада одамнинг электр майдонида бўлиши давомийлиги
5 дан кичик	чегараланмайди
1	2
5 – 10	180 мин
10 – 15	90 мин
15 – 20	10 мин
20 – 25	5 мин


Электр майдон кучланиши ПЗ-1 прибори билан аниқланади.

Электр майдондан ҳимояланиш учун ҳар хил экранлаштирилган мослаш, махсус экранлаштирилган кийимлардан фойдаланилади ва улар ерга уланади.

### **Маҳаллий ёритилганлик**

Корхона ёки ташкилотларда компьютерларни шундай жойлаштириш керакки, бунда компьютер монитори юзасида табиий ёки сунъий ёруғлик акс таъсири бўлмаслиги лозим, акс ҳолда бу ҳолат киши кўзининг тез толиқишига ва кўриш қобилятининг пасайишига олиб келади. Сунъий ёритгичлар компьютер мониторининг юза қисмига нисбатан чап (махсус стол усти ёритгичлар) ёки орқа қисмида (умумий ёритиш манбаларлари) ўрнатилиши ва компьютер мониторининг баландлиги кўзнинг горизонтал қисмидан баландда ўрнатилган бўлиши керак(18-расм).

Компьютер столида ўрнатилган ёритгичнинг ёруғлик миқдори 300-500 Лк (люкс) ва компьютер мониторининг экранини ёруғлик миқдори 300 Лк дан ва ёруғлик қуввати 35 кд/м<sup>2</sup> (кандель) дан юқори бўлмаслиги лозим. Иш жойларидаги ёруғликнинг миқдорини амалда қўлланиладиган Ю-116 люксометрлар орқали ўлчаш мумкин.



18-расм. ШК оператори иш столининг ёритилиши

## **4.2. Фавкулотда вазиятлар. Корхоналарни фавкулотда вазиятлардан ҳимоялаш ва уларни бартараф этиш**

**Фавкулотда вазият (ФВ)** – маълум ҳудудда юз берган фалокат, халокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофидаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар етказувчи, одамларни турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавкулотда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ – ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ – ёнғинлар, захарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;

в) мўътадил (ўртача) ФВ – сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ – секин-аста тарқалувчи хавфлар: қурғоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавкулотда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий юқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1. Локал (бир объект миқёсидаги) ФВ;
2. Маҳаллий ФВ;
3. Республика (миллий) ФВ;
4. Трансчегаравий (глобал) ФВ.

**Локал фавкулотда вазият**– бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавкулотда вазият

пайдо бўлган кундан энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

**Маҳаллий тавсифдаги Фавқулотда вазият**- аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулотда вазият пайдо бўлган кундан энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 млн. бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

**Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулотда вазият** дейилганда- Фавқулотда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулотда вазият пайдо бўлган кундан энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 млн. бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

**Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулотда вазият** дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Фавқулотда вазиятлар тавсифига кўра (сабаби ва келиб чиқиш манбаига кўра):

1. Табиий тусдаги ФВ;
2. Техноген тусдаги ФВ;
3. Экологик тусдаги ФВ ларга бўлинади.

**Фавқулотда вазиятлар вақтида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни режалаштириш**

Режалаштириш, ФХ лар вақтида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг етакчи функцияси ва марказий звеноси ҳисобланади. Режалаштиришда ҳужжат-режа тузилади ва у қуйидаги қисмлардан иборат бўлади: аниқ кўрсаткичлар (иш тури, тадбирлар); ушбу ишларни бажариш

вақти; ишларни бажариш учун зарур ресурслар(тури, сони, миқдори,манбаи); ишни бажарувчи маъсул шахс (ҳар бир пункт бўйича); ишни бажарилишини назорат қилиш усули.

Режанинг матн қисми икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимида ФХ лар вақтидаги шарт-шароитларни баҳолаш бўйича ҳулосалар, иккинчи бўлимда эса ФХ лар хавфидан аҳолини ҳимоялаш тадбирлари кўрсатилади. Ушбу тадбирларга асосан қуйидагилар киритилиши мумкин, яъни: ФХ тўғрисида хабар бериш тартиби; кузатиш ва разведкани ташкил этиш; кутқарув ва бошқа муҳим ишларни бажариш учун куч ва воситаларни тайёрлаш; ФХ лар таъсирини бартараф этиш ёки сусайтириш тадбирлари; одамлар ва материал бойликларни ҳимоялаш тадбирларини тезкор бажариш усуллари; табиий таъминлаш, дозиметрик ва химиявий назорат; ишлаб чиқаришни авариясиз тўхтатиш тартиби; одамларни ҳимоялашни ташкил этиш, ШХВ билан таъминлаш; эвакуация тадбирларини ташкил этиш; уларни бошқариш; ҳар хил шароитларда кутқарув ишларини ташкил этиш тартиби; юқори ташкилотларга ва ФХ лар бўйича тузилган комиссияларга ахборот ҳамда маълумотлар бериш тартиби.

Режага турли хил зарур луғавий ва тушунтирувчи характердаги материаллар ҳам илова қилинади. Режа реал, қисқа мазмунли, лекин тўлиқ ифода этилган, иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлиши ҳамда объектнинг барча имкониятларини ифода этиши зарур. Режанинг реаллиги табиий ва техноген кўринишидаги ФХ лар вақтида ҳақиқий ишлаб чиқариш шароитида ҳаёт фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича системали турли хил машғулотлар ва амалий машқлар ўтказиш йўли билан текширилади.

### **Фавқулотда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш**

Авариялар, халокатлар ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш, мамлакатнинг авария-кутқарув хизматини доимий тайёр ҳолатини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида авариялар ва халокатларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни бажарилиши устидан назорат

қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Фавқулотда ҳолатлар комитети тузилган.

ФХ лар оқибатларини бартараф этишга қаратилган барча вазифалар босқичма-босқич, аниқ кетма-кетлик асосида максимал қисқа муддатлар ичида бажарилиши лозим.

**Биринчи босқичда** аҳолини тезкор ҳимоялаш масалалари, ФХ лар хавfli факторларини тарқалишини чеклаш ва унинг таъсир даражасини камайтириш чора-тадбирлари ҳамда қутқарув ишларини амалга ошириш каби вазифалар амалга оширилади.

Аҳолини тезкор ҳимоялашнинг асосий тадбирларига хавф тўғрисидаги режимга риоя қилишни таъминлаш; хавfli зоналардан эвакуация қилиш; табиий профлактик тадбирларни амалга ошириш, жароҳатланганларга тиббий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш каби ишлар киради.

ФХ лар таъсир доирасини чеклаш ва унинг оқибатларини сусайтиришга қаратилган тадбирлар асосан: аварияларни локализациялаш, ишлаб чиқариш технологик жараёнларини тўхтатиш ёки ўзгартириш, ёнғинни олдини олиш ёки уни учуриш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Қутқариш ва бошқа турдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар жумласига бошқариш органларини, куч ва воситаларни тайёр ҳолатга келтириш, зарарланиш ўчоғини разведка қилиш ва мавжуд ҳолатни баҳолаш каби вазифалар киради.

**Иккинчи босқич** вазифаларига ФХ лар оқибатларини бартараф этиш бўйича қутқарув ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш киради. Бу ишлар узлуксиз равишда қутқарувчилар ва бартараф этувчилар сменаларини алмаштирган ҳолда хавфсизлик техникаси ва эҳтиёт чораларига тўлиқ амал қилиб бажарилиши шарт.

Қутқарув ишлари жароҳатланганларни қидириб топиш, уларни ёнадиган бинолар, харобалар, транспорт воситалари ичидан олиб чиқиш, одамларни хавfli зоналардан эвакуация қилиш, жароҳатланганларга

биринчи ёрдам кўрсатиш ва шу каби бошқа ёрдамларни амалга ошириш ишларини ўз ичига олди.

Кечиктириб бўлмайдиган ишлар жумласига эса ёнғинни локализациялаш ва ўчириш, конструкцияларни мустахкамлаш, қутқарув ишларини амалга ошириш мақсадида коммунал-энергетик сетларни, алоқа ва йўлларни тиклаш, одамларга санитар ишлов бериш, дезактивациялаш ва дегазациялаш ишларини амалга ошириш каби вазифалар киради.

Қутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар жумласига аҳолини барча турдаги воситалар билан таъминлаш, жумладан, уларни хавфсиз жойларга жойлаштириш, озиқ-овқат ва сув билан таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда материал ва молиявий ёрдамлар беришни амалга ошириш каби вазифалар ҳам киради.

**Учинчи босқич** вазифаларига авариялар, халокатлар ва табиий офатлар юз берган районлардаги аҳоли фаолиятини таъминлаш масалалари киради. Бу мақсадда турар жойларни тиклаш ёки вақтинчалик турар жойлар барпо этиш, энергия ва сув таъминотини, алоқа линияларини, коммунал хизмат объектларини тиклаш, зарарланиш учоғига санитар ишлов бериш, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бирламчи эҳтиёж буюмлари билан ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилади. Ушбу босқич ниҳоясида эвакуация қилинган аҳоли ўз жойларига қайтарилади ва ҳалқ хўжалик объектларининг ишлаши тикланади.

Айрим ФХ лар нинг содир бўлиши олдиндан аниқланиши мумкин. Бундай ҳолатларда амалга оширилиши лозим бўлган барча ишлар олдиндан ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилади. Режада асосан икки хил кўринишдаги бадбирлар белгиланади.

**Биринчи гуруҳдаги тадбирлар** аҳолини ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади. Бу тадбирларга- аҳолига хавф тўғрисида маълумот бериш ва хабар бериш; ҳимоя воситаларининг тайёр холга келтириш; бошқариш системалари ва воситаларининг тайёрлигини текшириб қуриш; ШХВ ларини

аҳолига тарқатишга тайёрлаш ва тарқатиш; тиббий профилактика, санитар ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш; эвакуацияга тайёрланиш ва талаб этилган шароитларга хавф тахдид соладиган районларда аҳолини эвакуация қилиш каби вазифалар киради.

**Иккинчи гуруҳдаги тадбирларга** ФХ ларнинг хавфли ва зарарли факторларини бартараф этишга қаратилган вазифалар киради. Бу тадбирларга-ҳалқ хўжалиги объектлари ишини тўхтатиш ёки иш режимини ўзгартириш; энергия, сув, газ системаси иш режимини ўзгартириш ёки вақтинча тўхтатиш; мавжуд инженерлик иншоотларини мустаҳкамлаш ёки қўшимча қуриш; ёнғинга қарши тадбирлар ўтказиш; хавфли районлардан материал бойликлар ва чорва молларини олиб чиқиш; озиқ-овқат, озиқа хом ашёси ва сув манбаларини ҳимоялаш каби ишлар киради.

ФХ лар содир бўлганлиги тўғрисида хабар олингач, биринчи навбатда белгиланган маълумотларни тўғрилиги текширилиб, қўшимча ахборот ва маълумотлар олиш бўйича тадбирлар амалга оширилади. Чунки, турли хил ФХ ларнинг ҳар хил шароитлардаги оқибатлари турлича бўлиши мумкин. Шу сабабали, дастлаб, ФХ лар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган иккиламчи, ўчламчи ва х.к. хавфли факторлар аниқланиб, кейингина комплекс тадбирлар амалга оширилади.

## ХУЛОСА

Ушбу битирув малакавий иши ҳозирги куннинг долзарб вазифаси, яъни, сиёсий партия web-сайтни унинг фаолиятида жорий этилишини тадбир этади.

Ишлаб чиқилган web-сайт фойдаланувчига партия дастури, низоми, тарихи, аёллар ва ёшлар қаноти, унинг ҳудудий ташкилотлари, партиянинг раҳбар органлари, Марказий Кенгаши аъзолари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва депутатлари, партия ҳаётидаги сўнги янгиликлар ва партия манзили ҳақида маълумот олиш имконини яратади.

Ишлаб чиқилган web-сайтда қуйидаги масалалар ечилди:

- замонавий ва бетакрор **шаблон** дизайни яратилди;
- интерфейси осон ва замонавий дизайнга эга бўлган **сайт менюси** яратилди;
- сиёсий партиянинг низоми, дастури ёшлар ва аёллар қаноти, ҳудудий партия ташкилотлари ҳақида маълумот берувчи **Партия** бўлими ташкил этилди;
- сиёсий партия фаолиятида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлар, олиб борилаётган ишлар ва ўтказилаётган тадбирларни ёритиб борувчи матбуот хизмати, яъни, **Янгиликлар** бўлими ташкил этилди;
- фойдаланувчига сиёсий соҳага тегишли ва партия билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган ташкилотларнинг web-сайтлари адресларига гипер-муножаатни таъминловчи **Тавсия этиладиган сайтлар** бўлими ташкил этилди;
- жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш ва фуқароларнинг сиёсий онгини ва фаоллигини ошириш мақсадида сўровномалар ўтказиш учун **Сўровнома** бўлими ташкил этилди;
- фойдаланувчи томонидан изланаётган маълумотни излаб топишни тезлаштирувчи **Излаш** бўлими ташкил этилди;

- Фойдаланувчига сиёсий партиянинг манзили, телефон ва факс рақамлари, электрон почта манзили ҳақида маълумот берувчи **Манзилимиз** бўлими ташкил этилди;

Web-сайт ни яратишда Joomla 1.5 дастурий воситаси муҳитидан фойдаланилди. Малумотлар базаси сифатида еса MySQL 1.0 дан фойдаланилди . Шунингдек , МБ сифатида MS SQL Server нинг Express ини ишлатиш хам тафсия этилади.

Web-сайт ишлаши учун Apache сервернинг камида 2.2 версияси талаб этилади.

Web-сайт барча фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиб, фойдаланувчидан юқори даражадаги компьютер саводхонлигини талаб қилмайди. Web-сайт дизайн содда ва замонавий бўлиши билан бирга, интерфейси қулай кўринишга эгадир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов **“Жахон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”** Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009 й.
2. А.Н.Наумов, А.М.Вендров и др., **“Системы управления базами данных и знаний”**, Москва, “Финансы и статистика”, 1991й.
3. А.Сатторов, **“Информатика ва ахборот технологиялари”**. “Ўқитувчи” нашриёти 2002 й.
4. А.Абдукодиров, Н. Тайлоков. **“Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари”**, Тошкент, “Чўлпон” нашриёти, 2006 й.
5. M.Bellinaso, **“ASP.Net 2.0 WebsiteProgramming: Problem – Desing – Solution”**, “WroxPress” 2006 й.
6. М.Арипов, Ю.Пудовченко, К.Арипов, **«Осново Internet»**. Тошкент, «Университет», 2002 й.
7. А.В.Луковников, **“Меҳнат муҳофазаси”**, Тошкент, Ўқитувчи. 1984 й.
8. А.Б.Князевского, **“Охрана труда в электроустановке”**, “Энергоатомиздат”, 1983 й.
9. Ғ.Э.Ғоипов, **“Меҳнат муҳофазаси”**. Тошкент, "Меҳнат", 2000 й.
10. М.Ҳамидов, **“Қишлоқ ххжалиги ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси”**, Тошкент, "Меҳнат" 2000 й.
11. О.Қудратов, Т.Ғаниев, **”Фавқулотда вазиятларда фуқаро муҳофазаси”** Тошкент, 2005 й.
12. Internet тармоғидаги манбалар:  
[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)  
[www.ref.uz](http://www.ref.uz)  
[www.referat.ru](http://www.referat.ru)  
[www.joomla.ru](http://www.joomla.ru)

## **ИЛОВА**

### **Дастур коди**

Аввало дастур коди ҳақида тушунчага эга бўлиш учун сценария ва фойдаланувчига сервер томонидан узатилаётган сценария натижасининг фарқини билиб олиш зарур.

Дастур томонидан тузилиб сайт шаблонининг тузилиши, структураси ва кўринишини белгиловчи дастурий восита сценариядир.

Сценария (script) – бу буйруklar кетма-кетлиги (айрим ҳолларда хаттоки дастур) бўлиб, бошқа дастур томонидан қайта ишланади ва интерпретация қилинади. Бу эса сценарий ёзиш учун матн редактори етарли эканлигини англатади, дастур яратиш учун эса бошқа бир дастур (ҳеч бўлмаганда компилятор) талаб қилинади.

Сценария натижаси эса сервер томонидан фойдаланувчи ишлаётган браузерга узатилган маълумотлар пакетидир. Тўғри натижа ҳам сценария каби кўринишга эга бўлиши ва ҳаттоки баъзи ҳимояланмаган сайтларда айнан унинг ўзини такрорлаши ҳам мумкин. Бироқ ҳимояланган сайтларда сценария натижасида компоненталар ва базалар адреси ҳимоя юзасидан кўрсатилмайди.

Қуйида шаблон коди(сценария) билан танишамиз.

### **Шаблон (template) коди**

```
body { font-family: Tahoma, Verdana, Arial, sans-serif;
line-height: 1.3em;
margin: 0;
padding: 0;
font-size: 11px;
color: #666;
background: #fff;
}
body.contentpane {
background: #fff;
}
form {
margin: 0;
padding: 0;
}
img,table {
border: none;
```

```

}
p {
    margin: 5px 0;
    text-align: justify;
}
a {
    color: #1170e4;
    outline: none;
}
a:link {
    text-decoration: none;
}
a:visited {
    color: #0e54a9;
}
a:hover {
    text-decoration: underline;
}
input {
    color: #ccc;
    outline: none;
    margin: 0;
}
input:focus {
    outline: none;
}
button {
    color: #fff;
    font-size: 11px;
    border: none;
    background: #696969;
    cursor: pointer;
}
#modlgn_remember.inputbox {
    background: none;
    border: none;
    width: auto;
    vertical-align:middle;
}
input.button, .validate {
    color: #fefefe;
    font-size: 11px;
    cursor: pointer;
    font-weight: 700;
    border: none;
    height:23px;
    line-height:19px;
    padding: 1px 4px 4px;
    margin:6px 0 0 0;
    background: transparent url(..images/but.png) repeat-x top left;
}
input.button:hover, .validate:hover {
}
/*****
/** Template specific layout elements **/
*****/
#page_bg {
    background: #fff url(..images/page_bg.png) repeat-x top left;
}

```

```

#wrapper {
    margin:0 auto;
